Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 25 июнь 1974 йил, сешанба • № 147 (15.927). • Баҳоси 2 тийин.

Фарғона область, Фрунзе районидаги Охунбобоев номли совхоз пахтакорлари 4672 гектар майдондаги ғўзаларини нунда бир яшнатмоқдалар. Ҳозир далаларда 100 та чопиқ трактори юксак унум билан ишлатиляпти, 250 сувчи эса ғўзаларни оби-ҳаётга қондирмоқда. Суратда: 7-бўлимнинг миришкор сувчиси Жўрабой Саидов пахтазорда.

А. Тўраев фотоси.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА — ЗАРБДОР СУРЪАТ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «Н. Э. БАУМАН НОМИДАГИ МОСКВА ОЛИЙ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДА ВА Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ НОМИДАГИ САРАТОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ҚОЯВИЙ-НАЗАРИЙ САВИЯСИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАЕТГАН ИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ МАСАЛАНИ КЎРИБ ЧИҚДИ.

Қабул қилинган қарорда шу нарса қайд қилинадики, партия XXIV съездининг қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг «Ижтимоий фанларни янада ривожлантириш ва коммунистик қурилишда шу фанларнинг ролини ошириш чоралари тўғрисидаги қарорини бажариш жараёнида Н. Э. Бауман номидаги Москва олий техника билим юрти ва Н. Г. Чернишевский номидаги Саратов Давлат университетининг ректоратлари, партия комитетлари ва ижтимоий фанлар кафедралари КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизмни ўқитишнинг қоявий-назарий савиясини оширишда ижобий натижаларга эришдилар.

Студентларнинг марксча-ленинча фанни, партия ҳужжатларини, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг коммунистик қурилиш назарияси ва практикасининг энг муҳим масалаларига бағишланган нутқлари ва асарларини ўрганишга бўлган қизиқиши кучайди.

Стабил программалар жорий этилганлиги, янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилганлиги, ўқитувчи-кадрларнинг илмий савияси оширилганлиги ижтимоий фанларни ўқитишни, студентларнинг марксча-ленинча назарияни ўрганишларини яхшилашга имкон берди. Олий техника билим юртидаги ва университетдаги ҳамма муаллимларнинг салкам етмиш проценти ҳозирги вақтда илмий даража ва унвонга эга бўлган кишилардир, уларнинг кўплари актуал илмий проблемалар устида иш олиб бормоқдалар. Саратов университетининг кафедралари нашр этган бир қанча монографиялар ва коллектив бўлиб қилинган ишлар илмий жамоатчилигининг ижобий баҳосини олди.

Партия комитетлари ва ижтимоий фанлар кафедралари студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишида ленинча синов, ёш лектор мактаблари, ижтимоий касб факультетлари, студентлар ишларининг конкурслари, ижтимоий-сиёсий практика, қурилиш отрядларида оммавий равишда қатнашиш сингари формалар муҳим ўрин олди, бу эса студентларни қоявий ва меҳнат жабҳасида чиниктиришни кучайтиради, уларда меҳнаткашларнинг коллективларига бориб оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик иши олиб бориш маҳоратини ривожлантиришга ёрдам беради. Москва олий техника билим юртининг партия комитети билан илмий кенгаши мажлисларда ижтимоий фанлар кафедраларининг таълим-тарбиявий ва илмий фаолиятини такомиллаштириш масалаларини мунтазам равишда кўриб чиқмоқда.

Москва олий техника билим юрти ва Саратов университети партия комитетлари, ректоратлари ва кафедраларининг ижтимоий фанларни ўқитишни такомиллаштириш соҳасидаги ишида катта камчиликлар ва нуқсонлар борлиги қарорда айтиб ўтилган.

Бутун таълим жараёнининг мазмуни ва қоявий-сиёсий йўналишини белгилаб берадиган лекцияларнинг сифатига лозим даражада эътибор берилмаётир. Бир қанча ҳолларда муаллимлар лекция ўқиш вақтида материални чуқур, мароқли ва тушунарли тарзда баён этиб бермаётирлар. Назария ва практиканинг, Коммунистик партия ва Социалистик давлат тарихининг муҳим масалалари баъзан юзаки баён этилмоқда, етарли далил-исботлар ва илмий умумлашмалар қилинмаётир. Ҳозирги замон бурржуа назариялари, реформизм ва ревизионизм ҳеч қачон ва яққол танқид қилинмаётир. Идеология курашининг ҳозирги босқичидаги ўзига хос хусусиятлар баъзан ҳисобга олинмаётир.

Кўпгина муаллимлар семинар машғулотларида марксча-ленинча назариянинг актуал масалаларини ижодий муҳокама қилиш вазиятини яратиб бермаётирлар, бу эса студентларнинг активлигини пасайтиради ва уларда мустақил фикрлашни ривожлантиришга ёрдам бермайди. Студентлар баъзан ўзларини қизиқтирган саволларга ишонарли жавоблар олмайдилар. Назарий проблемаларни ўрганиш билан, коммунистик қурилиш практикаси, ҳозирги замон ижтимоий қаётининг воқеа ва ҳодисаларни баҳолашга синфий ёндошишни тарбиялаш билан дуруст боғлаб олиб борилмаётир.

Қарорда шу нарса таъкидлаб ўтиладики, лекциялардаги ва семинар машғулотларидаги катта камчиликлар, аввало, таълим жараёнининг ҳамма формаларида таълим билан тарбия бирлигини таъминлаш лозим бўлган асосий бўғинлар бўлмиш кафедралар таълим методика иши занфлигининг оқибатидир. Ижтимоий фанларни ўқитишда кино, телевидениедан, таълим ва кўргазмали қуроллар-нинг бошқа замонавий техникавий воситаларидан фойдаланилмаётир.

Битириб чиқувчиларнинг кўплари ёш мутахассисларнинг амалий иши учун муҳим бўлган фалсафий ва иқтисодий фанларнинг бир қанча замонавий проблемалари соҳасида етарли билим олмаётирлар. Москва олий техника билим юртида студентлар фан-техника революцияси ютуқларини социалистик хўжалик системасининг эфзалликлари билан узвий равишда қўшиб олиб боришнинг йўллари ва методларини, уни ривожлантириш характери ва қонуниятларини чуқур ўрганмаётирлар. Саратов университетининг сиёсий иқтисод кафедраси баъзи бир табииёт факультетларида социалистик ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш масалаларига эътиборни етарли равишда қаратмаётир.

Ижтимоий фанларни ўқитишда ёшларда коммунистик одоб ва ахлоқни шакллантириш масалалари, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ва совет турмуш тарзига зид бўлган ҳамма иллатларга муросасизлик билан қараш проблемалари ўзининг дуруст ифодасини топмаётир. Студентлар орасида ўқишга бепарволик билан қараш, жамоат тартибини бузиш ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди.

Кафедраларда ривожланган социалистик жамият проблемалари, ижтимоий фанлар методологияси ва уларни ўқитиш методикаси масалалари, шунингдек идеология ишининг форма ва методлари соҳасида комплекс тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилмаган.

Ректоратлар, партия комитетлари ва кафедраларнинг раҳбарлари ўқитувчи кадрлар билан олиб бораётган ишда катта нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Лекторларни танлашда Ленининг лекцияларнинг қоявий-сиёсий йўналиши, уларнинг мазмуни «бутунлай ва батамом **лекторларнинг состави** билан» белгиланади, деган кўрсатмаси етарли равишда ҳисобга олинмаётир. Тажрибали ва ёш муаллимлардан фойдаланишни тўғри қўшиб олиб бориш таъминланмаётир. Вакант лавозимларни эгаллаш конкурслари ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш чўпинча расмиятчиликка айланиб қолмоқда. Саратов университетинча сиёсий иқтисод ва фалсафа кафедраларида муаллимларнинг ярмидан кўпи мазкур ихтисослар бўйича чуқур илмий маълумотга эга эмас.

Аспирантурага танлаб олиш, илмий раҳбарликни ташкил этиш ва аспирантларни аттестациядан ўтказиш ишида катта камчиликлар нуқсонлар борлиги қарорда айтиб ўтилган.

Бутун таълим жараёнининг мазмуни ва қоявий-сиёсий йўналишини белгилаб берадиган лекцияларнинг сифатига лозим даражада эътибор берилмаётир. Бир қанча ҳолларда муаллимлар лекция ўқиш вақтида материални чуқур, мароқли ва тушунарли тарзда баён этиб бермаётирлар. Назария ва практиканинг, Коммунистик партия ва Социалистик давлат тарихининг муҳим масалалари баъзан юзаки баён этилмоқда, етарли далил-исботлар ва илмий умумлашмалар қилинмаётир. Ҳозирги замон бурржуа назариялари, реформизм ва ревизионизм ҳеч қачон ва яққол танқид қилинмаётир. Идеология курашининг ҳозирги босқичидаги ўзига хос хусусиятлар баъзан ҳисобга олинмаётир.

Кўпгина муаллимлар семинар машғулотларида марксча-ленинча назариянинг актуал масалаларини ижодий муҳокама қилиш вазиятини яратиб бермаётирлар, бу эса студентларнинг активлигини пасайтиради ва уларда мустақил фикрлашни ривожлантиришга ёрдам бермайди. Студентлар баъзан ўзларини қизиқтирган саволларга ишонарли жавоблар олмайдилар.

Назарий проблемаларни ўрганиш билан, коммунистик қурилиш практикаси, ҳозирги замон ижтимоий қаётининг воқеа ва ҳодисаларни баҳолашга синфий ёндошишни тарбиялаш билан дуруст боғлаб олиб борилмаётир.

Қарорда шу нарса таъкидлаб ўтиладики, лекциялардаги ва семинар машғулотларидаги катта камчиликлар, аввало, таълим жараёнининг ҳамма формаларида таълим билан тарбия бирлигини таъминлаш лозим бўлган асосий бўғинлар бўлмиш кафедралар таълим методика иши занфлигининг оқибатидир. Ижтимоий фанларни ўқитишда кино, телевидениедан, таълим ва кўргазмали қуроллар-нинг бошқа замонавий техникавий воситаларидан фойдаланилмаётир.

Битириб чиқувчиларнинг кўплари ёш мутахассисларнинг амалий иши учун муҳим бўлган фалсафий ва иқтисодий фанларнинг бир қанча замонавий проблемалари соҳасида етарли билим олмаётирлар. Москва олий техника билим юртида студентлар фан-техника революцияси ютуқларини социалистик хўжалик системасининг эфзалликлари билан узвий равишда қўшиб олиб боришнинг йўллари ва методларини, уни ривожлантириш характери ва қонуниятларини чуқур ўрганмаётирлар. Саратов университетининг сиёсий иқтисод кафедраси баъзи бир табииёт факультетларида социалистик ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш масалаларига эътиборни етарли равишда қаратмаётир.

Ижтимоий фанларни ўқитишда ёшларда коммунистик одоб ва ахлоқни шакллантириш масалалари, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ва совет турмуш тарзига зид бўлган ҳамма иллатларга муросасизлик билан қараш проблемалари ўзининг дуруст ифодасини топмаётир. Студентлар орасида ўқишга бепарволик билан қараш, жамоат тартибини бузиш ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди.

Кафедраларда ривожланган социалистик жамият проблемалари, ижтимоий фанлар методологияси ва уларни ўқитиш методикаси масалалари, шунингдек идеология ишининг форма ва методлари соҳасида комплекс тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилмаган.

Ректоратлар, партия комитетлари ва кафедраларнинг раҳбарлари ўқитувчи кадрлар билан олиб бораётган ишда катта нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Лекторларни танлашда Ленининг лекцияларнинг қоявий-сиёсий йўналиши, уларнинг мазмуни «бутунлай ва батамом **лекторларнинг состави** билан» белгиланади, деган кўрсатмаси етарли равишда ҳисобга олинмаётир. Тажрибали ва ёш муаллимлардан фойдаланишни тўғри қўшиб олиб бориш таъминланмаётир. Вакант лавозимларни эгаллаш конкурслари ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш чўпинча расмиятчиликка айланиб қолмоқда. Саратов университетинча сиёсий иқтисод ва фалсафа кафедраларида муаллимларнинг ярмидан кўпи мазкур ихтисослар бўйича чуқур илмий маълумотга эга эмас.

Аспирантурага танлаб олиш, илмий раҳбарликни ташкил этиш ва аспирантларни аттестациядан ўтказиш ишида катта камчиликлар нуқсонлар борлиги қарорда айтиб ўтилган.

Бутун таълим жараёнининг мазмуни ва қоявий-сиёсий йўналишини белгилаб берадиган лекцияларнинг сифатига лозим даражада эътибор берилмаётир. Бир қанча ҳолларда муаллимлар лекция ўқиш вақтида материални чуқур, мароқли ва тушунарли тарзда баён этиб бермаётирлар. Назария ва практиканинг, Коммунистик партия ва Социалистик давлат тарихининг муҳим масалалари баъзан юзаки баён этилмоқда, етарли далил-исботлар ва илмий умумлашмалар қилинмаётир. Ҳозирги замон бурржуа назариялари, реформизм ва ревизионизм ҳеч қачон ва яққол танқид қилинмаётир. Идеология курашининг ҳозирги босқичидаги ўзига хос хусусиятлар баъзан ҳисобга олинмаётир.

Кўпгина муаллимлар семинар машғулотларида марксча-ленинча назариянинг актуал масалаларини ижодий муҳокама қилиш вазиятини яратиб бермаётирлар, бу эса студентларнинг активлигини пасайтиради ва уларда мустақил фикрлашни ривожлантиришга ёрдам бермайди. Студентлар баъзан ўзларини қизиқтирган саволларга ишонарли жавоблар олмайдилар.

Ректоратлар ва партия комитетлари студентларни коммунистик руҳда тарбиялашда лекцияларнинг ролини муттасил ошириш. Лекция курсларини тўхтовсиз янгилаш ва бойитиш тўғрисида, лекцияларда коммунистик қурилишнинг, жаҳон революцион жараёнининг ҳозирги замон шароитида идеология курашининг актуал проблемаларини чуқур ёритиш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш. Ривожланган социалистик жамиятнинг энг муҳим қонуниятларини, ҳаракатлантирувчи кучларини ва ютуқларини яққолроқ очиб бериш, Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли кучайиб бораётганлигини, партия фаолияти ва коммунистик идеологиянинг буюк ўзгартирувчилик кучини ҳар томонлама кўрсатиш. Ҳозирги замон ривожининг проблемаларини анализ қилишда партиявийлик ва синфий ёндошиш принципини оғишмай ўтказиш, антикоммунизмни, реформизмни ва ревизионизмни далил-исботлар билан фош қилиб ташлаш;

— студентларнинг биринчи манбалар, илмий адабиёт устида мустақил ишлашининг энг муҳим формаси бўлган семинар машғулотлари ўтказишни доимо такомиллаштириш, шу машғулотларда студентларнинг докладлари ва рефератларини қўйиб, муҳокама қилишни, ижтимоий фанларнинг энг мураккаб ва муҳим масалалари юзасидан самарали мунозаралар ўтказишни кенг йўлга қўйиш, кафедралар ҳузуридаги илмий тўгараклар ишини, илмий конференцияларни ва студентлар ишларининг конкурсларини ташкил қилишни такомиллаштириш. Марксча-ленинча назарияни ўрганиш ёш мутахассисларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришга ёрдам беришига, ижтимоий ривожланиш қонунлари ва истиқболларини чуқур тушунишда уларга кўмаклашишига, назарий масалаларни партия ва халқнинг фаолияти билан боғлаш маҳоратини сингдиришга эришиш; меҳнат қаҳрамонларини, ишлаб чиқариш илғорларини, фан ва маданият арбобларини студентлар ҳузурида нутқ сўзлашга кенг жалб этиш;

— студентларни К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини, КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракат ҳужжатларини чуқур мустақил ўрганиш эҳтиёжи ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун таълим жараёнидан актив фойдаланиш, бунда социалистик ва коммунистик қурилиш назарияси ҳамда практикаси асослари давомийлигини марксизм-ленинизм революцион таълимотининг янги актуал масалаларини партия илмий равишда ўртага қўйиб, ижодий тарзда ҳал этаётганлиги билан кўшиб олиб боришга асосланиб иш тутиш.

Ректоратлар ва партия комитетлари олдига ижтимоий фанлар кафедралари билан ишлаш соҳасида таълим-методика фаолиятини доимо такомиллаштиришга, лекция курсларининг мазмунини ва семинар машғулотларини ўтказиш методикасини мунтазам равишда муҳокама қилишга интилиш, муаллимларнинг профессионал малакасини ва педагогик маҳоратини ошириш вазифаси кўйилди. Марксча-ленинча назария ўзининг барча таркибий қисмлари билан узвий бирликда ўрганиб борилсин.

Ижтимоий фанлар кафедралари таълим жараёнини ёш мутахассисларни тайёрлайдиган профилловчи кафедраларнинг вазифалари билан маҳкамроқ боғлаб олиб боришлари, улар билан биргаликда ҳозирги замон фан-техника революциясининг мазмуни ва қонуниятларини, унинг ютуқларидан фойдаланиш йўлларини тўлиқроқ очиб беришлари, техника ва социал тараққиёт учун актив курашчиларни тарбиялашлари лозим.

Ректоратлар ва партия комитетлари ижтимоий фанлар кафедралари иши учун, таълим-тарбия жараёнини яхшилаш, студентларга таълим ва сиёсий тарбия беришда, олий ўқув юртларидаги бутун идеология ишини такомиллаштиришда кафедраларнинг ва муаллимларнинг ижобий тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштириш учун илмий кенгашларнинг масъулиятини оширишлари керак. Студентларнинг мустақил ишлашини ташкил этиш соҳасида ижтимоий фанлар кабинетларининг фаолиятини активлаштириш, кабинетларни таълим беришнинг замонавий техникавий воситалари ва кўргазмали қўлланмалар билан таъминлаш зарур.

Кафедраларнинг илмий ишида тадқиқотларнинг назарий савиясини янада ошириш, ижтимоий фанларни ўқитиш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш методикасининг комплекс актуал проблемаларини, масалаларини ишлаб чиқишга эътибор жалб қилинди.

КПСС Марказий Комитети студентларга марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўргатиш мақсадида комсомол ташкилотлари билан ижтимоий фанлар кафедраларининг алоқасини мустаҳкамлашга, студентларнинг группаларида талабчанлик, ўзаро ёрдам ва ўқишда ижодий активлик муҳитини вужудга келтиришга ВЛКСМ комитетларининг эътиборини қаратишни партия комитетларига тавсия қилди.

Ёшларни меҳнат билан чиниқтириш учун масъулият оширилсин, студентлар қурилиш отрядлари ҳаракатининг тарбиявий роли кучайтирилсин.

Ҳар бир студент меҳнат ва жамоат фаолияти мактабидан ўтишига ҳаракат қилинсин. Тайёрлов бўлимларига тингловчилар танлаб олиш, ўқишдан ташқари вақтда студент ёшлар билан ишлаш яхшилансин, бунда ахлоқий ва эстетик тарбияга, оммавий-сиёсий ишда актив қатнашишга эътибор берилсин.

СССР ва РСФСР Олий ва ўрта махсус таълим министрликларига ижтимоий фанлар кафедралари ишини янада такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди. Кафедраларни малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш ва аспирантура орқали кадрлар тайёрлаш сифати яхшилансин. Ректорлар кенгашлари иши ижтимоий фанларни ўқитиш тажрибасини умумлаштиришга ва кафедраларнинг студентларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилсин. Университетлар ҳузуридаги ижтимоий фанлар муаллимлари малакасини ошириш институтларининг фаолияти анализ қилиниб, умумлаштирилсин, уларнинг куч-ғайратлари марксча-ленинча таълимотни ўқитишнинг қоявий-назарий савиясини оширишнинг туб масалаларига қаратилсин.

Ижтимоий фанлар курсларига бағишланган, марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ҳозирги замон ижтимоий ривожланиш жараёнлари билан узвий бирликда янада чуқур ўрганишда студентларга ёрдам берадиган юқори сифатли қисқача дарсликларни нашр этиш таъминлансин. Ижтимоий фанларнинг актуал масалаларига доир янги муҳим назарий ишлар эълон қилинишига қараб ўрганиш учун студентларга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатига ўз вақтида ўзгартишлар киритиб турилсин.

СССР Фанлар академияси билан биргаликда олий ўқув юртларининг социал-иқтисодий кафедралари ижтимоий фанларга доир илмий ахборот институтининг ахборот материаллари билан таъминлансин.

Ижтимоий фанларни бутун таълим муддати давомида ўқитиш масаласи, шу жумладан марксча-ленинча фалсафани ўрганиш муддатини икки йилга узайтириш ва ниҳоят ҳамма олий ўқув юртларида илмий коммунизмдан ягона давлат имтиҳони жорий этиш масаласи кўриб чиқилсин.

Расмий хабарлар

Н. В. ПОДГОРНИЙ Ю. ЦЕДЕНБАЛ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал билан 24 июнда Кремлда учрашди.

Н. В. Подгорний Ю. Цеденбални МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси лавозимига сайланганлиги билан самимий қутлади.

Суҳбат чоғида Совет — Монголия муносабатлари масалалари ҳамда баъзи халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Н. В. Подгорний билан Ю. Цеденбалнинг учрашуви самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ПОКИСТОН БОШ МИНИСТРИНИНГ СССРГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Покистон Ислом Республикасининг Бош министри З. А. Бхутто шу йил июль ойининг биринчи ярмида расмий визит билан Москвага келади.

КУН ТАРТИБИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Республика Ички ишлар министрлиги органлари муваффақиятли иш олиб борилишинг муҳим шартларидан бири кадрлар билан ишлашни ҳамиша такомиллаштиришдан иборат. Бу фикр министрлик раҳбар ходимларининг Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгашида таъкидлаб ўтилди. Кенгаш қатнашчилари шахсий составни тарбиялашга ҳамда Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўришга тааллуқли бир қанча масалаларни муҳокама қилдилар.

Республика Ички ишлар министрлиги органлари ва бўлимларининг раҳбар ходимлари кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш вазифаларига бағишланган махсус семинар машғулотлари ўтказишади.

(ЎзТАГ).

ПАХТАКОР ДЕҲҚОНЛАР!

◆ ҲАРОРАТ ТОБОРА КЎТАРИЛАЕТГАН ҲОЗИРГИ ДАМЛАРДА ҒЎЗАЛАРНИ ҚОНДИРИБ СУҒОРИНГ, ЕР ТОБИГА КЕЛИШИ БИЛАН ДАРҲОЛ КУЛЬТИВАЦИЯ ЎТКАЗИБ, НАМНИ ТЎЛА САҚЛАБ ҚОЛИНГ.

◆ СУВ КАМЧИЛ ЖОЙЛАРДА ЭГАТ ОРАЛАТИБ, НАВБАТЛАБ СУҒОРИШ УСУЛИНИ КЕНГ ҚЎЛЛАНГ, СУВ ИСРОФГАРЧИЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШИНГ.

◆ ҒЎЗАЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ, СУҒОРИШНИ КУЛЬТИВАЦИЯ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИБ ОЛИБ БОРИНГ, ҚЎЛЛАТИБ СУҒОРИШГА МУТЛАҚО ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ.

◆ БУТУН ҚУЧ ВА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА!

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ

Маълумки, дарёлардаги сувнинг кўп бўлиши қишда ёққан қорга боғлиқдир. Тоғда қанча қор кўп тўпланса, ёзда сув шунча мўл бўлади. Дарёдан олинган канал ва ариқларда сув тўла оқади. Экинлар сув билан етарли таъминланади. Лекин бу қишда қор кам ёғди. Эрта кўкламданоқ сув камчиллиги деҳқонларга айтилди. Биз бу огоҳлантиришдан тегишли хулоса чиқариб олдик. Биринчи навбатда эски зовур ва коллекторларни қазиш, тозалашга киришдик. Артезиан қудуқлар, катта-кичик насосларни сифатли ремонтдан чиқардик.

Колхозимиз 2100 гектар сувли ерда деҳқончилик қилади. Шундан 1700 гектарида ғўза ўстирилади. Экиш-тикиш кунларида кутилмаган қийинчиликларга дуч келдик. 18 ва 25 май кунларидаги дўл ва селдан анча зарар кўрдик. 500 гектар ерга қайта чигит экишга тўғри келди.

Биз сув камоблигини ҳисобга олиб, зовур ва коллекторлар суви бирлаштирилган икки участкада биттадан «ПГ-35» маркали насос ўрнатган эдик. Секундига ҳар бири 200 литр сувни кўтариб берадиган шу насослар мунтазам ишлаб турибди. Кўшёғоч, Таллак, Жамалак, Хина каби коллекторларнинг сувлари экинларга оқизиляпти.

Сиддиқ Юсупов бошлиқ бригадада аъзолари ўтган йили 96 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта етиштирганди. Бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигини нишонлаганлиги йилда 185 гектар ерда ғўза ўстирмоқда. Экин майдонини икки баравар кенгайтириш билан гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқда. Бригадада уч та артезиан қудуғи ва иккита «Андижанец» насос билан ер ости сувлари пахта майдонига оқизилмоқда. Шу насослар билан 45 ва 95 метр чуқурликдан сув чиқарилиб, пайкалларга таралмоқда.

Кўп йиллик тажриба асосида ер ости сувлари оқар сувларга аралаштирилиб, экинлар суғорилмоқда. Ҳар бир бригадада икки-учтадан суғориш группаси ташкил қилинган. Группа бошлиқлари қилиб уста сувчилар танланган. Ҳар қайси группага 7-8 сувчи бириктирилган. Суғориш кечаю кундуз, икки сменада давом эттирилмоқда. Барча бригадаларда ғўзалар эгат оралатиб суғорилмоқда. Натижада оз сув билан кўп майдонни суғориш имконияти туғилмоқда. Эгатнинг шундай усул қўлланганда бир томони заҳлаб, пуштасида нам узоқ сақланади, сув порланмай, тупроқнинг сернам бўлиши таъминланади, суғориш муддати узайтирилади, сув тежаб колинади.

Пилла плани бажарилгач, ундан бўшаган колхозчиларнинг бир қисмини сувчиликка ажратдик, сувчилар сонини кўпайтирдик. Суғориш нормасини ошириб бажарган ва ғўзани сифатли суғорганларга қўшимча иш ҳақи тўлашни жорий этдик. Саид Донийёров, Омон Муҳаммадиев, Равшан Эргашев, Қозоқ Расулова ўхшаш уста сувчиларга қўшимча 10 процент иш ҳаки тўлаб бормоқдамиз. Колхоз правлениеси партия ташкилоти билан биргаликда суғориш графигининг бажарилишини ҳар беш кунда якунлаб боряпти.

Бригада ва участкаларда суғорилган карталарни ўз вақтида, сифатли культивация қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Баҳриддин Еқубов, Матлуб Муҳаммадиев, Асқар Қозоқов сингари қўплаб универсалчилар ғўза қатор ораларини юмшатишда бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Улар суғоришдан кейин қатор ораларини нормал чуқурлик ва кенгликда юмшатиб бормоқдалар.

Колхозчиларимиз юбилей йилида гектаридан 30 центнердан, жами 5000 тонна пахта етиштириш йўлида барча агротехника тадбирларини қулай муддатларда, юқори сифатли ўтказмоқдалар.

Амиркул МАНСУРОВ,
Самарқанд область, Иштихон районидаги Энгельс номли колхоз раиси.

ҲОСИЛ ЗАМИНИ

Асфальт йўлнинг шундоққина пастидаги пайкалларда ғўзалар гуркираб ривожланяпти. Гектар бошига 85 минг тупдан қолдирилган ҳар бир ниҳолда 4-5 тадан шона ҳосил бўлган. Ғўзаларнинг баъзилари гулга кира бошлаган. Уларни кўриб ҳаваси келади, кишининг.

— Бу Фарғона область Риштон районидаги Куйбишев номли колхознинг Абдухалил Ҳусанов бошлиқ бригаданинг пахтазор майдонлари. Тўғрироғи, «олтин қўлли» деҳқонлар қалб қўрининг ҳарорати, завқли меҳнатнинг натижаси эди бу.

Дарвоқе, Фарғона водийси учун ўта инжиқ келган бу йилги об-ҳаво шароитида деҳқончилик ишининг кўзини билган пахтакоргина ғўзасининг баравж ривожланишини таъминлай олади. Утган йили ҳам бу ерларга барака уруғи қадалган эди. Аммо ғалвир сувдан кўтарилганда етиштирилган ҳосилдан кўнгил тўлмади. Бригада колхознинг умумий кўрсаткичидан ҳам кам ҳосил берди. План ўрта йўлда қолиб кетди. Бунинг сабаби — бир томондан ғўзани бегона ўт, иккинчи томондан эса ҳашарот босди. Минерал ўғит ва техникадан самарали фойдаланилмади.

Хўш, айб ердамиди? Йўқ! Ишлаб чиқариш командирининг ишни ташкил қила билмаслигида эди. Раҳбар ноқобил бўлгач, у ерда кутилганча натижага эришилмайди одатда. Ниҳоят, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бригадирни алмаштирди.

Абдуҳалил Ҳусанов бу қолоқ бригадага бошчилик қилишни ўз зиммасига олди. У ташкилотчи, ишбилармон коммунист эмасми, дарҳол иш тажрибаларини амалга оширди. Аввало, ҳар бир аъзонинг қалбига кўл солиб кўрди. Уларнинг мақсад ва интилишлари, истак ва эҳтиёжларини ҳисобга олди-да, кейин дадил ишга киришди. 71 гектар майдонга эрта кўкламда «Тошкент-1» навли чигит уруғи ташланди. Уруғ ернинг ўз намига ундириб олинди. Яганалаш вақтида ўтказилди. Ғўза қатор ораларини культивация қилиш, озиқлантириш ва суғориш ишлари агротехник муддатларда ўтказилаётир. Ҳозирги вақтда ғўзалар комплекс иккинчи ишловдан чиқарилди. Узунасига ва кўндалангига озиқлантирилди ва қондириб суғорилди. Шу кунларда учинчи парвариш қизғин давом этаётир.

Бригада аъзолари сурхондарёлик ва хўжайлилик пахтакор деҳқонларнинг мурожаатларини ўқиб чиқиб, ғўза парваришини унда баён қилинган қимматли фикрлар асосида ташкил этганлар. Мурожаатда ғўза парваришини шу кун талаблари асосида ташкил этиш, техника, минерал ўғит, ва сувдан оқилона ҳамда тадбиркорлик билан фойдаланиш, ҳар туп ғўзада етарли миқдорда ҳосил тугунчаларини бўлишини таъминлаш таъкидланган. Улар ишни шу мурожаат асосида уюштириб, сувдан ва минерал ўғитлардан тадбиркорлик билан фойдаланмоқдалар. Бу йилги об-ҳаво шароитида сувнинг кам бўлиши кутиляпти. Шуни ҳисобга олган бригада заршуносларнинг ҳар бир литр сувдан самарали фойдаланиб, унинг исроф бўлишига йўл қўймаётирлар ва лозим бўлганда экинларни табақалаштирган ҳолда суғормоқдалар. Бригададаги мавжуд майдонлар ҳар бир колхозчи ва механизаторга бўлиб берилган. Экинларни парвариш қилиш, суғориш, озиқлантириш ва культивация қилиш ишларига ўзлари жавоб беришади. Бригадир эса ишнинг сифатини муттасил текшириб бораётир. Бу каби тадбирлар эса ҳар бир деҳқоннинг ўзи бажараётган ишга масъулиятини янада оширмоқда. Бригада заршуносларининг мақсади гектаридан 40 центнердан ошириб пахта хирмони кўтаришдир. Улар, албатта, ваъдага вафо қиладилар.

Хўжаликнинг ҳамма бригадаларида ғўза парвариши қизғин давом эттирилмоқда. Барча куч ва восита ана шу зарбдор фронтга сафарбар этилган.

Ш. ЗУҲРИДДИНОВ,
Ш. ХОЛИДДИНОВ.

Саноатимизнинг дадил одимлари

МУВАФФАҚИЯТЛАР КУЗГУСИ

Меҳнатсевар ва ижодкор ишчи, инженер-техник ходимларимиз КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида катта галабаларни қўлга киритдилар. Бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш плани ошириб бажарилди. Планга қўшимча 28 миллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди.

Қўлга киритилган муваффақиятларнинг боиси шундаки, корхоналарда ишлаб чиқариш ускуналарини модернизация ва реконструкция қилиш ишлари қизитиб юборилди. Агар 1959 йилда 2 миллион 900 минг тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1973 йилда 3 миллион 430 минг тоннага етди. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 500 минг тонна ошди. Бунга Қувасой ва Бекобод корхоналарини реконструкция қилиш, Оҳангарон цемент комбинати қувватларини ошириш, Ангрен қурилиш материаллари комбинатида оқ цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги натижасида эришилди.

Республикамизда шифер ишлаб чиқариш бирмунча ортди. Шифер тайёрлайдиган корхоналар қувватларини реконструкция қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. 1970 йилда 214,7 миллион дона шифер тайёрланган бўлса, орадан уч йил ўтгач шифер ишлаб чиқариш 262 миллионтага етказилди. Ўтган уч йил ичида 20 дан зиёд янги хил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1973 йил) Пленумида янги қувватларни ўзлаштириш ҳақида ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди. Коллективларимиз ана шу кўрсатмаларни амалга ошира бориб, республикамизда сопол плиталар тайёрлаш бўйича катта ишлар қилдилар. Сопол плиталар ишлаб чиқариш плани 321 минг квадрат метрга ошириб бажарилди. Деворбоп материаллар тайёрлаш қувватларини ўзлаштириш бўйича ҳам кўпгина тадбирлар кўрилди. Бунинг шарофати билан ўтган йили 1 миллиард 300 миллион дона ғишт ишлаб чиқарилди. Бу, 1972 йилдагидан 60 миллион дона зиёддир.

Капитал қурилиш миқёси ошиб бораётганлиги ва қурилиш материалларига бўлган талаб йил сайин ортаётганлиги муносабати билан бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилишига катта маблағ сарфланмоқда. Ўтган уч йил мобайнида янги қувватларни қуриб ишга тушириш мақсадида 120 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Йилига 20 миллион дона ғишт ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга туширилди. Бино томларини ёпишда қўлланиладиган юмшоқ материал тайёрловчи «Узбекровля» комбинати, республика консерва саноати учун шиша банкалар ишлаб чиқариш бўйича Фарғона шиша идишлари заводининг биринчи навбати барпо этилди. Бекобод ва Чиноз норуда материаллар карьерлари ишга туширилди Мармар буюмлар ишлаб чиқариш кейинги уч йилда 7 баравар ортди.

Социалистик мусобақа — оммаонинг жонли ижоди, У муваффақиятларимиз гаровидир. Буни коллективларимиз яхши тушунишади. Ишчиларимиз социалистик мусобақа байроғини ҳар қачонгидан баланд кўтариб, оз сарф-харажат билан кўп ва аъло сифатли бинокорлик материаллари тайёрлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилида эришган муваффақиятлари учун 3 минг ишлаб чиқариш илғори «1973 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» деган Бутуниттифоқ нишони билан тақдирланди. Қарийб 200 ишчи, инженер-техник ходим СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Белгиловчи йил топшириқларини муддатидан илгари ошириб бажариш мусобақасида саноатимиз ишчилари олдинги сафларда боришяпти. Ҳозир 750 ишчи 1975 йил ҳисобига иш бажаряпти. Кўплаб илғорларимиз 1974 йил план-топшириқларини бажариш арафасида туришибди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бекобод цемент комбинатининг айланма печь машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Фармонов, 5-ғишт заводлари бошқармасининг Ленин орденли ишчиси Н. Цибульникова, Самарқанддаги 17-ғишт заводлари бошқармасининг фидокори М. Алимов, Ғазалкент тошни қайта ишлаш комбинатининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли фрезерчиси М. Исроилов ўртоқлар белгиловчи йил беш ойлик ишлаб чиқариш планларининг барвақт бажарилишига муносиб ҳисса қўшишди. Кейинги ойларда планга қўшимча 6,5 минг тонна цемент, 32 минг квадрат метр сопол плиталар тайёрланди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кезларда коллективларимиз янада эўр ғайрат билан меҳнат қилишяпти. «Сантехлит», «Стройпластмасса» заводлари, Ангрен керамика комбинати, Урганч қурилиш материаллари заводи, Тошкентдаги 7-ғишт заводлари бошқармаси каби пешқадам корхоналаримизнинг коллективлари йиллик маҳсулот реализацияси планини муддадидан олдин бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу йилнинг иккинчи кварталида бир неча янги хил бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Оҳангарон цемент заводида акустик плиталар тайёрлаш цехи ишга туширилади. Тошкентдаги 3-ғишт заводлари бошқармасида «Силикпор» плиталари тайёрлаш жорий этилади. Суюқ ойна ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилади. Қўқон ва Урганч бинокорлик материаллари заводларида силикат ғиштлар тайёрлаш ҳажми анча ортади. Қашқадарёдаги бинокорлик материаллари комбинатининг биринчи навбати ишга туширилади. Биз, бинокорлик саноати ходимлари олдимизда турган улкан вазифаларга яраша фидокорона меҳнат қилишга бел боғлаганмиз.

Б. МИРЗАБЕКОВ,
Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри.

Сирдарё ГРЭСи келажакда республикамиз энергетикасининг улкан корхонаси бўлиб қолади. Бу ерда учинчи энергетика блокини ҳам барвақтроқ фойдаланишга топшириш учун турли касб эгалари мардона меҳнат қилмоқдалар. Суратда: ихтисослаштирилган ишлар бошқармасининг энг яхши монтажчиларидан Виктор Усов (чапдан), Николай Копилов ва бригадир Рафаэль Шарипов.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ).

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ОКТЯБРДАН НУР ЭМГАН ЎЛКА

Қардош республикалар каби Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҳамда республика Компартиясининг ташкил этилиши инсоннят тарихида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бевосита давоми. Владимир Ильич Ленин ва у ташкил этган Коммунистик партия ўлмас ғояларининг амалда рўёбга чиққанлиги бўлди.

Октябрь революцияси мамлакатимизда яшовчи бошқа қардош халқлар каби ўзбек халқи ҳаётида ҳам янги давр очиб берди. Совет Ўзбекистони социалистик миллатларнинг иноқ оиласида, барча совет халқларининг қардошларча ёрдами туфайли ҳамда Коммунистик партия раҳбарлигида шаҳдам одимлаб, қолоқликдан илғорликка, эулматдан ёрўғликка чиқиб олди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» қилган докладида таъкидлаганидек, Совет ҳокимияти йилларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг улкан тарихий ютуқлари мамлакатимиз халқларининг қардошлиги ва бузилмас дўстлигининг натижасидир.

Шу жиҳатдан қараганда, яқинда авторлар коллективи томонидан нашр этилган моноґрафия китобхон диққатини ўзига жалб этади.*).

Китобнинг «Умумий обзор» деб деб номланган қисмида Совет Ўзбекистони ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Булар: — Ўзбекистоннинг чегараланиши, ер майдони, иқлими, аҳолиси ва шунга ўхшаш иқтисодий, демографик маълумотлардир. Монографиянинг «Феодализмдан социализмга» номли бўлимида. Ўзбекистон территориясида яшовчи халқларнинг Октябрь революциясига қадар кечирган аянчли аҳволи тасвирланган. Большевиклар партияси актив намояндаларининг Туркистон ўлкасида олиб борган революцион-сиёсий ишларга, шунингдек, уларнинг маҳаллий миллат вакилларидан революционерлар тайёрлаш фаолиятига кенг ўрин берилган. Китобхон шунингдек, бу бўлимда Туркистонда Октябрь революциясини тайёрлаш ва амалга оширишда ҳамда Туркистонда Совет ҳокимиятини сақлаш ва мустаҳкамлашда Совет Россиясининг, биринчи галда улуғ рус халқининг беғараз ёрдами билан танишади. Яна шу бўлимда Совет Россиясининг яқиндан кўрсатган ёрдами туфайли 1920 йилда Бухоро ва Хивада меҳнаткашларнинг узоқ йиллар мобайнида феодал тузумига, империалистик тузумга қарши олиб борган революцион курашлари ғалаба қилганлиги; Владимир Ильич Ленин ва у ташкил этган шонли Коммунистик партия мамлакатларимиз халқларининг тақдирига жуда катта ўзгартирувчи таъсир ўтказганлиги ҳамда Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши, Ўрта Осиёда бошқа совет миллий республикаларининг ташкил этилиши, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсатининг тантанаси ишонарли мисолларда баён этилган.

Китобнинг «Қудратли индустрия ўлкаси» номли бўлимида китобхон Ўзбекистонда революциядан аввал, яъни 1913 йилда атиги 14 та қам қуватга эга металл ишлаб чиқариш устахонаси бўлганлигининг, машинасозлик саноати асосан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин вужудга келганлигининг, шунингдек Совет ҳокимияти йилларида республикада саноатнинг электротехника, тўқимачилик, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги каби тармоқлари вужудга келганлигининг гувоҳи бўлади. «Ер инсон томонидан яратилган» номли бўлимда эса қўриқ ерларни ўзлаштириш асосан Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошланганлиги баён этилади. Бу бўлимда революциядан илгари фақат битта суғориш иншоати мавжуд бўлиб, ҳозир уларнинг сони 900 тага, сунъий суғориш каналларининг узунлиги 17 минг квадрат метрга етганлиги, йирик сув омборлари қурилганлиги тасвирланади.

Монографиянинг «Оқ олтин ўлкаси» бўлимида Ўзбекистонда пахтачиликнинг ўтмиши ва истиқболи ҳақида; «Ҳамма нарса инсон учун» бўлимида Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг ўтмишда кечирган фаровон турмуши ҳақида; «Тошкент — дўстлик ва қардошлик шаҳри» бўлимида бепоён Ватанимиз халқлари билан ўзбек халқи ўртасидаги қардошлик алоқалари, Тошкентда рўй берган табиий офат асоратларини бартараф этишда ёрдам қўлини чўзган қардош совет халқларининг бузилмас дўстлиги ҳақида фикр юритилади.

Хулоса қилиб айтганда, авторлар коллективи томонидан яратилган ушбу монография китобхонни Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги тараққиёти ҳамда истиқболи билан яқиндан таништиради ва уни янги материаллар билан қуроллантиради.

Лекин китоб баъзи бир камчиликлардан ҳоли эмас. Чунончи, моноґрафиянинг «Саводсизликни тугатишдан ғоявий ёрўғликка» бўлимида Ўзбекистонда илмий муассасалар томонидан ҳал этилаётган проблемаларга, бизнингча, кўпроқ эътибор берилганда янада яхши бўлар эди. Фикримизча, китоб ўзбекча нашрга молиқдир. Шунинг учун баъзи хато-камчиликлар китобнинг кейинги нашрларида тузатилишига ишонамиз.

Умуман ушбу китобнинг нашр этилиши ижобий баҳога лойиқ бўлиб, кенг китобхон ўртасида катта қизиқиш уйготади, деган умиддамиз.

Ғ. РАШИДОВ,
тарих фанлари доктори.
М. МИРПУЛАТОВ,
тарих фанлари кандидати.

*) С. Х. Муллажонова, Х. Т. Турсунов, К. Ф. Фозилхўжаев. «Край преображенный Октябрем». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1973 йил. 183 бет.

УСЛУБ САБОҚЛАРИ

2. ЎЗ-ЎЗИГА САВОЛЛАР

Министрлик қарорининг самарадорлиги, таъсир кучи нималарга боғлиқ? Бу нарса қарорнинг омилкорлик билан ёзилгани, ҳаётнинг реал талабларига жавоб бера олишига, аппарат ходимларининг ижрони чинакам назорат қилиш ва текширишни йўлга қўйишга боғлиқ. Ўз-ўзидан равшанки, яна ўнлаб шарт-шароитлар бор, лекин биз юқорида тилга олинганлар билан кифояланмоқчимиз.

Министрлик «имтиҳонлари» ва «сабоқлари» ҳамма область халқ маорифи бўлими мудирлари учун муваффақиятли бўлиб чиқмади. Бу ҳақда олдинги мақолада гапириб ўтилганди. Тўртта областда кадрлар алмаштирилди. Ўз-ўзидан равшанки, коллегияда ҳисобот бериш дастлабки туртки бўлиб, ҳисоботдан кейин раҳбарлик услуби билан янада диққат-эътибор билан танишиб чиқилдики, токи бу одамлар давр талабларидан орқада қолаётганликларига ҳар томонлама ишонч ҳосил қилинди. Шунинг диққатга сазоворки, кадрларнинг алмаштирилиши шикоят ҳам, конфликт ҳам келтириб чиқармади. Барча қонун талабларигагина эмас, балки инсон тақдирига одоб юзасидан, сезгир муносабатда бўлиш талабларига ҳам қатъий риоя қилинди.

Халқ маорифи бўлими мудирларидан бири билан Андижон қишлоқларидан биридаги мактаб қурилишида бироз танишган эдик. Комилжон Болтабоев ҳамма кўрсаткичлар бўйича «ўз ўрнида» эди. Ихтисоси бўйича педагог бўлган бу киши партиявий ишнинг яхшигина мактабини ҳам ўтди. Керак бўлиб қолса, у жуда қисқа вақт ичида мактабнинг жиддий ташвишига жуда обрўли кучларни торта олади. Масалан, ўтган йили Андижон мактабларига йўлланма олган 1000 та ёш ўқитувчини уй-жой билан таъминлаш масаласини ҳал қилишга тўғри келиб қолди. Баҳорга қадар ниҳояти 24 киши одамларнинг уйида квартирада яшарди. Болтабоевнинг ўқитувчига, директорга, район халқ маорифи бўлими инспекторига берадиган энг юксак баҳоси «Меҳнаткаш одам» иборасидир. Область халқ маорифи бўлими мудирининг ўзи ҳам мана шу ибора мазмунига жуда-жуда мос келади. Бу йил республика областлари ўртасида мактаб кўрсаткичлари бўйича у биринчи ўринни олганлиги учун 16 минг андижонлик ўқитувчилар, мактаб бўйича бирга ишлайдиган дўстлари ва ёрдамчилари билан бирга қутлов олишга сазовор бўлганлигини ҳақли деб ўйлаш мумкин.

Лекин министрлик аппарати услуби ва методлари билан танишишни давом эттирайлик. Мана, коллегиянинг яна иккита мажлиси: биринчи мажлисда Тошкент давлат педагогика институтининг иши муҳокама қилинди. Кейинги мажлисда республиканинг чорвадор районларидаги халқ маорифи бўлимларининг ҳисоботи эшитилди. Масалалар бир-биридан анча узоқ. Шунинг учун ҳам уларга турлича тайёргарлик кўрилди. Биринчи ҳолда обрўли олимлардан иборат каттагина комиссия пединститут фаолиятининг барча йўналишларини чуқур ўрганиб чиқиб, ўқувтарбия жараёнини ташкил қилишдаги жиддий камчиликларни очиб ташлади. Коллегияда асосий диққат-эътибор студентларнинг билими сифатига салбий таъсир этаётган конкрет педагогик нуқсонларга қаратилди. Айбдорларга тегишли чора кўрилди.

Бу нарса олий ўқув юрти ўқитувчилари тарбиясига катта фойда келтириши турган гап, албатта. Коллегиянинг ўқитувчилар тайёрлашни такомиллаштириш тадбирлари юзасидан институт ректоратига берган муфассал кўрсатмалари сўзсиз, катта қимматга эга бўлади. Аммо шуниси жуда муҳимки, қарорнинг хулосалари, тавсиялари, талаблари фақат Тошкент Давлат педагогика институти адресигагина айтилмаган. Бу қарор министрликнинг барча олий ўқув юртларига қаратилган бўлиб, улардан биррортаси ҳам битирувчи студентларнинг ўртача билим даражасида бўлиши билан келишишга ҳақлари йўқ.

Иккинчи муҳокамада ҳамма нарса — тайёргарлик ҳам, вазият ҳам бошқача бўлди. Министрликда умумий вазиятни яхши билишарди. Кейинги пайтда коллегия чорвадор-районларнинг ишига учинчи марта ёндашди. Мактаб қийинчиликларини бу ерда табиатнинг ўзи келтириб чиқарган. (Саҳро ва ярим саҳро зонаси). Йилов чорвачилигида чўпон оилалари бот-бот қароргоҳларини ўзгартириб, баъзан қишлоқ ва район марказларидан юзлаб километр узоққа кетиб колишади. Бу — ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятидир. Бироқ шароитга ҳеч қанақа ён босиш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас: чўпон болалари — ҳар бир гўдак, ҳар бир ёш йигит ва қиз ўрта маълумот олиши зарур. Интернатлар қуриш — навбатдаги ҳал қилинадиган вазифа. Ҳозироқ бу имкониятлар анчагина бор, жуда кўп чўпон болалари интернатда давлат томонидан тўла таъминланган ҳолда ўқишяпти.

Ургут районида яқиндагина 600 ўринли шундай мактаб қуриб битказилди, Нурота районида эса иккита мактаб ишга туширилди, Бироқ ўнлаб уч йиллик мактаблар қора уйларда жойлашган. Саҳрода қуриш жуда қийин. Ҳамма болалар интернатга жалб қилиниши учун ҳали анча йиллар ўтади. Шу боисдан эски биноларни мослаштириб, яна ва яна ремонт қилишга, ободонлаштиришга тўғри келади. Республика маорифининг раҳбарлари бу ҳақда ҳаммадан олдин маслаҳат юритишмоқда. Энг кўп ёрдам бериш имкониятлари ўйланмоқда. «Интернатларни қайта жиҳозлашни тезлаштириш учун чорвачилик районларига қурилиш материаллари ва мавжуд резервдан ўқув қуроллари юборилсин...». «Бухоро область партия комитети болаларни мактабга олиб бориб, олиб келиш учун 11 та янги автобус ажратганлиги маълумот учун қабул қилинсин».

Чет тилидан 16 ўқитувчи етишмайди... Яқин атрофдаги интернат ўқитувчилари ёрдамида «кўчма дарслар» ўтказиш мумкин. Конимех районида шундай тажриба қўлланиляпти. «Биринчи синфга борадиган барча чўпон болаларини ҳисобга олиш» зарбдор вазифа қилиб қўйилган.

Қарорнинг сўнгги банди шундай: «Коллегия аъзолари ўқитувчилар, ота-оналар, хўжаликларнинг раҳбарлари билан учрашиш учун чорвачилик районларига бориб келишлари лозим».

Уч кундан кейин Бухоро области Конимех интернатининг ўқитувчилар хонасида министр С. Шермуҳамедов бундай деди: «Шуни тушуниб олинглар, ўртоқлар, мактабингиздаги биям сифати алоҳида аҳамиятга молиқдир. Ҳар бир чўпон менинг болам тўлақонли билим оляпти, у ҳам Тошкент, Олмаота, Москва ва бошқа олий ўқув юртларига кириб муваффақиятли имтиҳон топшира олиши мумкин деб тўла ишонч ҳосил қилсин».

Иккита турли масала, икки хил адрес — пойтахтдаги пединститут ва узоқ чўпон қишлоқларидаги мактаблар коллегияда муҳокама қилинган. Аммо кўриб турибсизки, моҳият эътибори билан бу масалалар бир жойдан чиқди, чунки уларга бир нуқтаи назардан туриб қаралди. Министрлик ходими минглаб муаммолар орасидан бугун энг муҳим бўлганларини топиши керак, дейишади. Мактаб ишида, инсон тарбиясида иккинчи даражали нарсалар йўқ, бу ерда ҳамма нарсани —ўқитувчиларга қиш учун ўтин-кўмир ғамлашдан тортиб, педагогика олий ўқув юртининг биринчи курс студентини янги программа билан ўқитишгача бўлган ҳамма ишлар диққат-марказда бўлиши керак. Халқ маорифига раҳбарлик қилишнинг юксак маҳорати ҳам, чамаси, ҳамма томонни, мактаб ҳаётининг қийинчиликлари, ҳодисаларини давр талаблари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш қобилиятидадир.

...Мактабгача тарбия бошқармасида буйруқ ушланиб қолди. Олдинига машбюроннинг айби билан гўё ушланди, кейин кимнингдир столида туриб қолди. Коллегия мажлисидан бир ҳафта ўтгандан кейингина имзо чекиш учун министрга келтириб беришди. Яна бир ҳафтадан кейин ижрочиларга жўнатишди. Кўриниб турибдики, буйруқ атайлаб эмас, балки шундай одат бўлгани учун ушланиб турган. Бироқ бу гал «буйруқ ҳақида» буйруқ чиқди. Унда сусткашликка совуққонлик деб баҳо берилиб, айбдорларга ўз хизмат бурчига муносабатини ўзгартириш таклиф этилди. Яна бир неча ҳафта ўтгандан кейин «министрлик фаолияти билан боғлиқ» қатор факт ва кузатишлар келтирилган ҳужжат пайдо бўлди. Ҳужжатнинг моҳияти аниқ ифодаланиб: «Маориф министрлиги аппарати ишида иш вақтини беҳуда сарфлашни қисқартириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш режимини такомиллаштириш тўғрисида» деб номланганди.

Эндигина министр этиб тайинланган С. Шермуҳамедов ишни ана шундан бошлаган эди. Министрлик партия ташкилоти, бутун коллективи уни актив қўллаб-қувватлади. Маъмурий чора-тадбирлар жамоат фикр кучи билан мустаҳкамланди. Аппарат коммунистларнинг, бўлим ва бошқармаларнинг партия йиғилишлари ва партбюро мажлисларида шахсий ҳисоботларини тинглаш одат тусига киритилди. Ҳар қандай ишлаб чиқариш мажлиси олдин қабул қилинган қарорларни бажариш учун нималар қилинганлиги ҳақида ахборот беришдан бошланиши одат бўлиб қолди. Шундай қилиб, вазиятнинг ўзи, аппаратдаги муносабатлар системаси одамларнинг камол топишига, ижодий активлиги ривожланишига, шахсий масъулятини мустаҳкамлашга олиб келди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас: талабчанликни карор топтирмоқчи экансан, ишни ўзингдан бошла. Ана шундагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Республика министрлигининг иш услуби ҳозирча энди шаклланмоқда —маъмурий шаблонлар бартараф этилиб, беҳуда «қоғозбозлик» рад этилмоқда, мактаб ва ҳаёт билан жонли алоқа боғлашнинг йўллари изланмоқда. Биз нималар қилинганлигини айтиб ўтдик. Балки амалга оширилмаган ишларни ҳам таҳлил этишимиз ҳаққоний бўлур эди. Нуқсонлар инсон тарбиясида ҳамиша ҳам кўп бўлаверади, ахир бизнинг мақсадимиз бу ишни такомиллаштиришдан иборат-ку.

Республикада «мактаб ва пахта» муаммоси тугал ҳал қилинмаган. Гарчи министрлик Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қўллаб-қувватлаши билан ўқув йили кунларида болаларни далаларда ишлаш муддатини кескин қисқартирган бўлса ҳам, бу иш тугал ҳал қилинмаган. «Бу муаммони шунчаки кун тартибидан олиб қўйиш осон, — дейишади Тошкентда. — Ҳозироқ пахтани фақат машиналар билан тераётган қатор районлар бор. Аммо меҳнат тарбиясининг бу миллий мактабини бутунлай ёпиб қўйиш инсофдан бўлармикан? Балки, шундай қилиш керак эмасдир. Шунга эришиш керакки, меҳнат тарбияси машғулотларга тўсқинлик қилмасдан, балки ёрдам бериши керак». Бу гапга қўшилмай илож йўқ.

Ўзлаштириш ҳақида икки оғиз гап. Район халқ маорифи бўлимида ва қишлоқ мактаби директори кабинетида министрлик коллегиясида ва партия активи йиғилишида — ҳамма ерда шундай саволни эшитасан: сизларда икки йилга қолган қанча ўқувчи бор? 15 тами? 20 тами? Кўп! Ахир сизда ҳамма шароитлар бор-ку...». Ҳаяжонланиш тушунарли. Мақсадларимиз нуқтан назаридан бирорта икки йилга қолдирилган ўқувчи ҳам кўплик қилади. Бироқ мана шу ҳар бир қолатга чуқуроқ кириб борсангиз, жуда кўп турмуш мураккабликлари очилиб қоладики, баъзан тажрибали педагог ҳам унинг олдида ўйланиб қолади. Нўқ, бу ерда ўқитувчига талабчанликнинг ўзи кифоя қилмайди, у мактабнинг ҳамма жонкуярлари ёрдами ва иштирокига муҳтож. Акс ҳолда реал воқеликни ҳисобот билан бузиб кўрсатишгагина эришиш мумкин.

Министрлик раҳбарлигини яна бир нарса ҳаққоний равишда тақдиришга солди: ўтган ўқув йили натижаларига кўра республиканинг қишлоқ мактабларидаги ўзлаштириш шаҳар мактабларидагига нисбатан анча юқори бўлди. Бу нима — муваффақият белгисими ё ўқитувчиларнинг талабчанлигида бўлган чекинишми? Чамаси, ҳар иккаласи ҳам бор. «Қайсиниси тўлақонли, қайсиниси пуч эканлигини аниқлаш лозим, — дейди министр С. Шермуҳамедов. — Ҳозирча педагогика бизга ўқитувчи ишини баҳолашнинг холис мезонини беролмайди, процент кетидан қувиш хавфи ҳамиша мавжуд. Давлатга синф журналлари эмас, балки билимли кишилар керак...».

Республика Маориф министрлиги ишининг бугунги услубидаги ислаҳотнинг мана шундай тўғри йўналиши биринчи навбатда қимматлидир.

О. МАТЯТИН,
(«Правда»нинг махсус мухбири).
Ўзбекистон ССР.
(«Правда» 23 июнь).

Давоми. Боши газетанинг 23 июнь сонида.

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

журналининг июнь сони «Комсомолнинг кучи — партия раҳбарлигида» сарлавҳали бош мақола билан очилади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ ва мақолалари тўртинчи томининг нашр этилиши муносабати билан «Ленин йўлидан» сарлавҳали мақола «Правда» газетасидан олиб эълон қилинган.

«Ўзбекистон Компартияси тарихидан» рубрикаси остида журналда тарих фанлари доктори А. Водолазский билан тарих фанлари кандидати М. Гуревичлар «Уруғдан кейинги беш йиллилар даврида» сарлавҳали мақолалари билан қатнашганлар.

«Хўжаликка раҳбарлик» рубрикаси остида Ўзбекистон КП Шерабод район комитетининг биринчи секретари Н. Туробовнинг «Хўжаликни янгича юритайлик», Жиззах бинокорлик материаллари комбинати касаба союз завод комитети раиси М. Баҳодировнинг «Касаба союз ва мусобақа» сарлавҳали мақолалари ёритилган.

Булардан ташқари, журналнинг «Шу кунниг темасида», «Ташкилий-партиявий иш», «Бошланғич партия ташкилотлари иш тажрибасидан», «КПСС Устави ҳақида суҳбатлар», «Идеология иши ва ҳаёт», «Танқид ва библиография» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материалларни ўқиш мумкин.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

журналининг июнь сони «Қўлга киритилганларга таяниб, янги муваффақиятлар қозонайлик» сарлавҳали бош мақола билан очилади. «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги олдидан» рубрикаси остида Ўзбекистон КП Фарғона область комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. Шамсиддиновнинг «Ленин ғояларига содиқмиз», Ўзбекистон КП Сирдарё область комитетининг биринчи секретари В. Ҳайдуровнинг «Янги марралар сари», тарих фанлари кандидати П. Ҳайдамовнинг «В. И. Ленин асарларида Ўрта Осиё статистикаси» сарлавҳали мақолалари босилган.

«Тўққизинчи беш йиллиннинг социал-иқтисодий проблемалари» рубрикаси остида иқтисод фанлари доктори А. Сафоевнинг «Халқ хўжалиги пахта комплексини ривожлантириш масалалари», Тошкент политехника институти философия кафедрасининг катта ўқитувчиси Н. Маматовнинг «Қишлоқ ишлаб чиқариш-техника зиёлиларини тарбиялаб етиштиришнинг асосий тенденциялари» сарлавҳали мақолалари берилган.

«Идеология, маданият» бўлимида тарих фанлари кандидати Л. Шекнинг «Халқлар дўстлигини мустаҳкамлашнинг кучли омили», филология фанлари доктори М. Юнусовнинг «Ўзбек совет адабиётининг интернационал алоқалари» сарлавҳали мақолалари ёритилган.

Журналнинг бошқа бўлимларида ҳам қизиқарли материаллар эълон қилинган.



Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида электр қуввати билан ишлайдиган барабанли сушилка қурилди. Мослама ҳар соатда 1,5 тонна ун талқони ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундай витаминли озуқа қорамолчилик фермаси учун жуда қўл келмоқда. Суратда: мосламанинг кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

Сергей Петрович БОРОДИН

Кўп миллатли совет адабиёти оғир ва мислсиз жудоликка учради. Атоқли совет адиби, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Президиумининг аъзоси **Сергей Петрович Бородин** оғир касалликдан сўнг 1974 йил 22 июнда 72 ёшида вафот этди.

Улкан ва талабчан сўз устаси, коммунист-ёзувчи, ижоди мамлакатимизда ва чет элларда миллион-миллион китобхонларга кенг маълум ва бениҳоя азиз бўлган, номи совет тарихий романи қарор топиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғланган ёзувчи орамиздан кетди.

Сергей Петрович Бородин Москва шаҳрида 1902 йил 25 сентябрда туғилди. Тула область Белева шаҳридаги реал билим юртини тамомлаб чиқди, 1922 йилдан 1925 йилгача В. Брюсов номидаги олий бадиий адабиёт институтида ўқиди. С. П. Бородин институтни тамомлаб чиққан йили Бутунроссия Ёзувчилар союзига аъзо қилиб қабул қилинди, 1934 йилдан буён эса, у СССР Ёзувчилар союзининг аъзосидир.

Сергей Бородиннинг улкан бадиий истеъдоди, ижодий илҳоми ўспиринлик йилларидан бошланди. Унинг дастлабки ҳикоялари тез орада китобхонлар қалбига йўл олиб, 1915 йилдаёқ босилиб чиқди. Шундан буён унинг бутун ҳаёти рус совет адабиёти билан чамбарчас боғланиб, чуқур ғоявий, теран мазмунли, талантли китоблари ўз Ватанига, коммунизм ишига чексиз содиқ совет кишиларини коммунистик жамиятнинг бунёдкорлари руҳида тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда.

Унинг дастлабки асарлари — «Сўнгги Бухоро», «Мисрлик» романлари Чор Россиясининг собиқ миллий чекка ўлкасида икки ёқлама зулмнинг ҳамма оғирликларини ўз бошидан кечирган кишини маънавий озод қилишга бағишланган эди.

Сергей Бородиннинг «Дмитрий Донской» романи китобхонлар томонидан зўр қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олинди. Бу китоб Улуғ Ватан уруши бошларидаёқ чоп этилган эди. Ёзувчи том маънода жаҳонга машҳур бўлган ана шу асарида рус халқининг ажойиб фазилатларини — Ватанга, озодликка чексиз садоқатини, чет эл босқинчиларига сўнмас нафратини ғоят катта бадиий куч ва истеъдод билан кўрсатиб берди. Бу роман совет адабиётининг энг яхши асарлари орасидан муносиб ўрин олди ва 1942 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Узига хос ёркин истеъдод эгаси, улкан полотноларнинг эпик устаси бўлган Сергей Петрович Бородин ўзининг ажойиб «Самарқанд осмонида юлдузлар» эпопеясини яратди. Бу роман мамлакатимизда ва чет элларда неча ўнлаб тилларда нашр этилди ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

С. П. Бородин тарихий роман жанрида муваффақиятли иш олиб бориш билан айни бир вақтда кичик ҳажмдаги проза — ҳикоя, новелла, танқидчилик, адабиётшунослик, публицистикага ҳам жуда катта эътибор берди. У бадиий таржима соҳасининг ҳам ажойиб устаси эди. Сергей Петрович Бородиннинг истеъдодли қалами туфайлигина миллион-миллион совет китобхонлари Ўрта Осиё республикаларининг ёзувчилари билан, чунончи, Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», тожик совет адабиётининг классики С. Айнийнинг «Бухоро» ва «Қуллар» романлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Сергей Петрович Бородин ёш адабиётчилар билан иш олиб боришга катта эътибор берди, уларнинг талабчан мураббийси, устози бўлиб, адабиётнинг чинакам ўринбосарларини тарбиялаб етиштириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилди. У бир неча чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Президиумининг аъзоси, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг аъзоси, «Звезда Востока» журнали редакцион коллегиясининг аъзоси бўлиб, улкан давлат ва жамоат ишларини олиб борди.

Коммунист-ёзувчи Сергей Петрович Бородиннинг Совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги хизматларига Ватан, Коммунистик партия юксак баҳо бердилар. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, Совет Иттифоқи медаллари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Унга Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси фахрий унвони берилди.

Атоқли совет коммунист ёзувчиси, улкан қалб эгаси ва битмас-туганмас ижод чашмаси бўлган инсоннинг порлоқ хотираси қалбимизда, миллион-миллион китобхонларнинг миннатдор хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, Н. М. Матчонов, Н. Ж. Худойбердиев, И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, А. С.Абдалин, Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, К. П. Дудин, В. О. Козимов, К. Н. Яшин, А. А. Удалов, Уйғун, Зулфия, Н. Сафаров, И. Юсупов.

Советлар мамлакатида

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ ДОҒИСТОНДА

Маҳаллаҳ аҳолиси Ўзбекистон амалий санъат усталарининг ижоди билан танишди. Ўзбекистон амалий санъат усталарининг 200 га яқин асари Доғистон тасвирий санъат музейи виставкасида намойиш қилинди. Бу виставкага наштачилик, кулолчилик намуналари, гилам, металлга гул солиш, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги ва гул солиш намуналари намойиш қилинди. Томошабинлар керамика асарлари — Ўзбекистон халқ рассомлари М. Раҳимов, К. Хайдаровларнинг ижоди билан, Бухородаги Октябрь 40 йиллиги номли фабрикаларнинг зардўзлик буюмлари билан танишиб, ғоят мамнун бўлдилар.

Ўзбекистон аҳолиси шу йилнинг охирида Доғистон усталарининг асарлари кўргазмасини кўздан кечирадилар.

ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН

Тожикистондаги «Халқлар дўстлиги» номли Қайроққум ГЭСи ишга туширилганидан бери ўн миллиард киловат соат энергия ҳосил қилди.

Бундан 17 йил аввал Сирдарёнинг ўрта оқимида, Ленинобод яқинида қурилган станциянинг олти агрегати тамомила ишга туширилди. Бугунги кунда ҳам у халқ хўжалигини электрлаштириш учун, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларида янги ерларни ўзлаштириш учун катта аҳамиятга эга. ГЭСнинг тўрт миллиард куб метрдан зиёд ҳажмли сув омбори Мирзачўлда мамлакатда йирик 300 минг гектарли пахтачилик районн вужудга келтиришга имкон берди. Ерларни машина билан суғориш системаси ишлаб турибди.

ЯНГИ КОМПЛЕКС

Житомир областида ҳар йили чорвачилик фермаларн учун 75 мингта машина ва агрегат ишлаб чиқаришга мўлжалланган технология комплекси Новоград—Волинский қишлоқ хўжалик машиналари заводида қурила бошлади. Майдонда ер ишлари олиб борилмоқда, инженерлик коммуникациялари ётқизилмоқда. Биноқорлар механика цехлари блокини, катта қуюв корпусини қуришлари керак.

Янги комплекс юксак даражада механизацияланган ва ишлаб чиқариш процессларн автоматлаштирилган бўлади. Унинг ишга туширилиши билан Новоград—Волинский заводи қишлоқка техника етказиб беришни уч баравар дан зиёд кўпайтиради, айрим агрегатлар ишлаб чиқаришдан фермалар, колхозлараро заводлар ва омухта ем тайёрловчи цехларни комплекс механизациялайдиган машина—ускуналар ишлаб чиқаришга ўтади.

ГЕОЛОГЛАР КАШФИЁТИ

Туркманистоннинг ғарбида катта йод-бром сув кони очилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра шу қиммати хом ашёдан фойдаланиш республикада йод ва бром ишлаб чиқаришни ҳозиргидан беш баравар кўпайтиришга имкон беради. Разведка қилинган хомашё базасида янги катта кимё корхоналари қуриш мўлжалланади.

ИП ГАЗЛАМА КЎПАЯДИ

Яқинда қуриб битказилган Тернополь ип газлама комбинатида тўқилган читнинг дастлабки тўплари мамлакатнинг савдо тармоқларига юборилди. Бу ерда йил охиригача газлама тўқиб чиқаришни 3,5 миллион метргача етказиш мўлжалланади.

Яқин йилларда Украинада пахта ипдан тўқилувчи ва ҳозир расм бўлган, гул босилган газлама тўқиш анча кўпайтирилади. Янги цехларни ишга туширш ва уларни юксак суръатлар билан ўзлаштириш натижасида газлама тўқишни кўпайтириш таъминланади. Масалан, Тернополь комбинати беш йилликнинг охиридаёқ тўла қувват билан ишлай бошлайди. Шу йил Донецк ип газлама комбинатида иккинчи тўқув цехи фойдаланишга топширилади.

Украина тўқимачилари аҳолининг талабларини доимо ўрганиб борган ҳолда беш йиллик бошлангандан бери маҳсулот турларининг ярмидан кўпини янгиладилар. Масалан, эндиликда мебел-боп газлама ҳажмли ип, фасонли қадама, синтетик толалардан тўқилмоқда. Бу нарса уларнинг гашқи кўринишини яхшилади, янада пишиқ қилди. Ички кийимбоп, костюмбоп газламалар ва бошқа газламалар тўқиш кўпаймоқда. Махсус кимёвий ишлов бериш уларга қимматли сифатлар бағишлайди: улар камроқ ғижимланади, пишиқроқ бўлиб қолади. (ТАСС).

Хоразм области ҳафталиги

Ширин, шифобахш

Узбекистон ССР ва Ўзбекистон компартияси 50 йил

Хоразм қовуни қадимдан етти иқлимга маълум ва машҳур. Ўрта асрларда бу қадимий диёрни кезиб чиққан араб сайёҳи Ибн Батута «мен дунёнинг ҳеч бир жойида Хоразм қовунидай лаззатли емишни кўрмаганман» деб ёзиб қолдирган. Воҳада қуёшли, қуруқ кунларнинг узоқ давом этиши, Амударёнинг шифобахш сувидан сизиб тараган ер ости сувининг яқинлиги қовунларнинг нормал ривожланиши учун жуда қулай шарт-шароит туғдиради.

Хоразмда ҳар йили 2,5—3 минг гектарга яқин майдонда қовун тарвуз етиштирилади, ҳар гектаридан ўртача 85-100 центнер ўртасида ҳосил йиғиб олинади.

Хоразмда қовунчилар энг азиз, ҳурматли кишилар ҳисобланади. Ана шундай кишилардан бири юқори дўрмонлик Матёқуб ота Собировдир.

...Утган йилнинг ёз охирлаётган кезлари эди. Кечга яқин Амударё қирғоқларидаги Қайирга — Матёқуб отанинг полизига келдик.

Матёқуб ота шогирди, эндиликда тажрибали полизчи Қаландар Бобожонов билан қовунларнинг тагига қуруқ пичан қўйиб юрган экан. Отанинг ёши етмишларга бориб қолган бўлса-да, ҳали анча бардам, йигитлардан чаққон ҳаракат қиларди.

— Қиш баҳоргача сақланадиган қовунга нам тегмаслиги керак, акс ҳолда шу жойидан чириб, бузилади, — дейди отахон оппоқ соқолларини силаб. Отам қовунни уйга қўлқоп билан ушлаб, биттадан таши, дегувчи эди.

Урганч районидаги Карл Маркс номли колхознинг Матёқуб Собиров бошлиқ полизчилар бригадаси ўтган йили ҳар йилдагидан юқори ҳосил олди. 16 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 330 центнердан қовун йиғиштирди.

Гурланлик миришкор деҳқон Матвафо Юсупов ҳам бир неча йиллардан бери Хоразм қовунининг довруғини оламга таратиб келяпти. У кўп йиллардан бери «Ленинизм» колхозида деҳқончилик қилади. Матвафо отанинг қовунлари бир неча марта Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида, Тошкентда ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилган, фахрли биринчи ўринларни олган, олтин медаль билан тақдирланган. Шахсий пенсионер Матвафо Юсупов қовунчилик селекционери. У сўнгги йилларда Хоразм қовунларининг бир неча янги навларини яратди. Унга мамлакатимизнинг барча бурчакларидан хат ёзиб турадилар, қовун уруғларини юборишни, бу экин парваришини қандай ўтказиш зарурлигини сўрайдилар.

Гурланнинг Вазир қишлоғидан Мадраҳим Туробов, «Москва» колхозидан Қўчқор Саданов, шоботлик Кўчим Олламов, Раҳим Жуманиёзовлар ҳам Хоразмнинг таниқли полизчилари — улар бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари ҳар йили 350-400 тоннадан қовун етиштиряптилар.

С. НОДИРМАТОВ.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИ ТЕКШИРИЛГАНДА

Москва район партия комитети. «Ленинград» колхозининг бригадири К. Иброҳимова ҳақиқатан Андижон шаҳрида ўқийдиган ўғли И. Юсуповга ўтган йил куздa пахта теримида қатнашмагани ҳолда 509 сўм, бригада табелчиси О. Рўзиматов ўзининг ўн яшар қизига 464 сўм, хотинига 650 сўм ва бригада аъзоси Иминовлар оиласига 840 сўм иш ҳақи ёзганлар. Бу масала колхоз партия комитети ва правлениеси мажлисларида муҳокама қилинди. К. Иброҳимова ва О. Рўзиматовлар вазифасидан бўшатилди. Ғайри-қонуний йўл билан олинган пуллар колхоз кассасига қайтарилди. Редакция юборган хатни текшириш натижаси ана шундай бўлди.

Планетамизда

Япония. Токио архитектурасида, урф-одатлари ва анъаналарида ўтмиш ва бугунги кун ёркин акс этиб турибди. Суратда: шаҳарнинг марказий райони «Гинза»нинг кўриниши.

Н. Тебин фотоси, (ТАСС).

ТАСС БАЁНОТИ

Исроил ҳарбийлари Яқин Шарқдаги кескинликни ҳамон қучайтирмоқдалар. Ливан чегарасида Исроил қўшинлари зўр бериб тўпланаётганлиги, шу мамлакат территориясига қароқчиларча қилинаётган жиноятқорона ҳужумлар қўлами кенгайтирилаётганлиги шундан далолат беради.

Ливаннинг тинч шаҳар ва қишлоқлари, фаластинлик қочоқларнинг Ливан территориясида жойлашган лагерлари ваҳшиёна бомбардимон қилинмоқда, уларнинг тепасига самолётлар учирилмоқда. Исроил ҳарбий денгиз кучлари халқаро ҳуқуқнинг ҳамма нормаларини бузиб, Ливан республикасининг территориал сувларига ўқтин-ўқтин бостириб кирмоқда. Кейинги кунларда Айша аш-Шаоб ва Ан-Наккўр районларини исроилликлар тўпга тутмоқдалар. Исроиллик босқинчилар фаластинликларнинг Набатиядаги лагерини аёвсиз бомбардимон қилдилар, иккинчи жаҳон уруши давридаги гитлерчи жиноятчиларнинг методларига тақлид қилиб, портловчи қурилмалар ўрнатилган «болалар ўйинчоқ»ларини турли районларга ташлаб кетмоқдалар.

Хавфсизлик Кенгашининг ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорларини ошкора поймол қилаётган бу ёвузликлар натижасида Ливаннинг тинч аҳолиси ва фаластинликлар — болалар, аёллар ва кексалар қурбон бўлмоқда.

Исроил раҳбарларининг фаластинликлар қилаётган ҳаракатларга жавобан шундай чоралар кўрилмоқда, деган даъволар билан бу қароқчилик ҳаракатларини оқлаш йўлидаги уринишлари бошдан — оёқ бемаъниликдан иборат. Айни Исроил ўзининг араб қўшинларига нисбатан кўп йиллардан бери зўравонлик ва бедодликдан иборат агрессив сиёсатни ўтказиб келаётганлиги бутун дунёга яхши маълум.

Исроилнинг Ливанга нисбатан қўролли ҳаракатлари Яқин Шарқда одилона тинчлик ўрнатиш тўғрисида бир битимга эришиш учун аввалгидан кўра яхшироқ имкониятлар пайдо бўла бошлаган бир пайтда қучайтирилаётганлигига ҳам бефарқ қараб бўлмайди. Исроилнинг ҳукмрон доиралари учун, унинг ҳукумати учун шу нарса равшан бўлмоғи керакки, 1967 йилда босиб олинган ҳамма араб ерларини Исроил оккупациячиларидан озод қилмай туриб ва фаластинлик араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини таъминламай туриб, бу районда тинчлик бўлиши мумкин эмас.

Совет жамоатчилиги Исроил ҳарбийларининг Ливанга нисбатан ваҳшиёна ҳаракатларини қатъий қоралайди ва бу ҳаракатлар дарҳол тўхтатилишини талаб қилади.

ТАСС шуни маълум қилиш ваколатини олган: Яқин Шарқдаги кескинликни қасддан қучайтириб, шу тариқа бу райондаги барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини зарба остида қолдирганлик учун бутун масъулият Исроил раҳбарларининг, Исроил ҳукуматининг зиммасига тушади.

ЧАД ПАХТАСИ

НЖАМЕНА, 24 июнь. (ТАСС мухбири). Чаднинг жануби-ғарбида пахта далалари ёстанган. Африкадаги шу мамлакатда пахта етиштириш иқтисодий тараққиётнинг кучли омили бўлиб қолди. Пахта—миллий экспортнинг энг муҳим маҳсулотларидан бўлиб, Чад бунинг эвазига катта-катта валюта олмоқда. Мамлакатдаги ҳар тўрт кишининг бири пахта етиштириш билан банд. Ўтган қишлоқ хўжалик кампаниясида ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, Чадда 115 минг тонна пахта терилди.

Пахта етиштиришда «Котончад» аралаш жамияти муҳим роль ўйнамоқда. Жамиятнинг 45 процент акциялари давлатга қарашли. Жамият пахта харид қилиш, ташиш ва тозалашни шунингдек пахта тойларини сотишни монополия қилиб олган. «Котончад» деҳқонлар етиширган пахтани давлат белгилаган қатъий нархлар билан харид қилади. Пахта толаси пахтачилик районларида барпо этилган 22 та пахта заводида ажратилади.

Чад миллий экономикасини ривожлантириш ўн йиллик плачи 1980 йилга бориб мамлакатда 250 минг тонна пахта етиштиришни кўзда тутади.

ХИТОЙДА МУСУЛМОНЛАР ТАЪҚИБ ҚИЛИНАЁТИР

БАЙРУТ. (ТАСС). «Аш-Шаоб» газетаси эълон қилган мақоласида Хитой Халқ Республикасининг бутун территориясида мусулмон аҳолиси таъқиб қилинаётганлигини уқтиради.

Хитойдан олинаётган хабарларда, деб таъкидлайди газета, мачитлар ёндириб юборилаётганлиги тўғрисида, диний китоблар йўқ қилиб юборилаётганлиги ҳақида, динни маросимларни ўтказиш тақиқлаб қўйилганлиги тўғрисида гапирилади. Синьцзянда мусулмон мактаблари ёпиб қўйилган, чолларнинг соқолларини қириб ташлаб, улар таҳқирланмоқда. «Аш-Шаоб» газетаси яна қуйидагиларни ёзади: Маъмурлар Хитойнинг марказий районларида мусулмон аҳолининг молмулкини мусодара қилмоқдалар, уларни тирикчилик воситаларидан маҳрум қилмоқдалар. Мақолада хитой мусулмонлари ўзбошимчалик, тўхтатилишини, тенгсизлик ва камситиш тугатилишини талаб қилмоқдалар, деб таъкидланади.

ЧИЛИ ВАТАНПАРВАРЛАРИГА ОЗОДЛИК!

● ПРАГА

Чехословакия тинчлик комитети баёнот эълон қилди. Бу баёнотда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Ана шу оммавий жамоат ташкилоти Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларининг Чили ҳарбий хунтаси томонидан қилинаётган жиноятларига қарши ҳар куни неча юзлаб норозилик хатларини олмоқда. Бу резолюцияларда Чили ватанпарварларини таъқиб этиш тўхтатилсин, инсон ҳуқуқларининг сурбетларча бузилишига чек қўйилсин, деб талаб қилинади.

Чехословак халқи, дейилади баёнотда, фашизм нималигини яхши билади, ўзининг миллий қаҳрамони коммунист Ю. Фучикнинг: «Одамлар, ҳушёр бўлинглар» деган даъватини доим эсда тутади, Шу сабабли ҳозирги кунда Чили хунтаси фашистларча қилаётган ёвузлигини оқлашга уринаётган ва Чили ватанпарварлари устидан суд процессларини тайёрлаётган бир пайтда биз, барча тараққийпарвар инсоният билан биргаликда шуни талаб қиламиз: Қонунсизликлар тўхтатилсин! Чилиқ ватанпарварлари устидан суд процесслари тўхтатилсин! Биз Луис Корвалонни ва бошқа ватанпарварларни озод қилишни талаб этамиз. Бу ватанпарварлар зиндонларда азоб чекмоқдалар ва уларни ватанни озод қилиш тўғрисидаги истеклари учун, ўз халқининг ғалабасига ишонганликлари учун ўлдирмоқдалар.

● СОФИЯ.

Болгария журналистлар союзи ўз баёнотида Чилидаги террор ва репрессиялар авж олганлигига қарши норозилик билдирди. Болгария журналистлари Чилида озодлик ва демократиянинг поймол қилинишига қарши жаҳон жамоатчилиги билдираётган норозиликка тамомила қўшилади. Баёнот чили халқининг энг яхши намоёндалари, шу жумладан Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан устидан қалбаки суд найрангбозлигига чек қўйилсин, деб талаб қилади.

● ХАНОЙ.

Вьетнам юристлари уюшмаси Чилидаги фашист қарбий хунта режимини қаттиқ қоралади. Бу хунта Чили халқига қарши қонли жиноятларини кун сайин давом эттирмоқда. Уюшманинг бу ерда эълон қилинган баёноти Вьетнам юристлари ва Вьетнамнинг бутун халқи Чили ватанпарварларининг ҳаққоний ишини қўллаб-қувватлаётганлигини, Чили халқининг озодлик ва демократия йўлидаги кураши билан жанговар бирдамлигини изҳор қилади.

● КОЛОМБО.

Коломбода чиқадиган «Сатанмага» газетаси қуйидагиларни ёзади: Чилида империалистларнинг халққа ва тараққийпарвар кучларга қарши уюштирган фитнаси натижасида реакцион тўнтариш рўй берди. Фашистлар тўдаси Чили диёрида мисли кўрилмаган қонли жиноятларни қилмоқда. Аммо Чили халқининг иродасини букиш мумкин эмас.

Газета яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Биз планетадаги барча тараққийпарвар кучлар билан биргаликда хунтанинг ёвузликларига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирамиз, Чилидаги сиёсий маҳбуслар дарҳол озод қилинсин, деб қатъий талаб этамиз.

(ТАСС).

Телетайп лентасидан

● БУДАПЕШТ. Бу йил Венгриядаги олий ўқув юртлари қишлоқ хўжалиги учун қариб 1.800 ёш мутахассис тайёрлаб чиқаради.

ВХР партия ва ҳукумати ёш мутахассислар тайёрлашга катта эътибор бермоқдалар. Ҳозирги вақтда мамлакат ишлаб чиқариш кооперативларида ва давлат хўжаликларида салкам 10 минг инженер, 28 минг техник ва 60 минг малакали ишчи ишлаб турибди.

● БОННГ. Ғарбий Германиянинг 17 шаҳрида Ҳинди-Хитой халқлари билан бирдамлик ойлиги бошланди. Ойликни «Вьетнам билан халқаро бирдамлик» ташкилоти ўтказмоқда.

Ойлик доирасида митинг ва йиғилишлар ўтказилмоқда. Виставкалар ташкил қилинди, Ҳинди-Хитой халқларига ёрдам ва мадад беришга даъват этувчи варақалар тарқатилди.

● РИМ. Генуяда бир группа янги фашистлар устидан суд ўтказилмоқда. Улар ўтган йилнинг апрель ойида Турин — Рим ўртасида қатновчи пассажир поездини портлатишга уринишда айбланмоқдалар.

Прокурор суриқасд ташкилотчиси — янги фашист Жарқарло Роньолини умрбод қамоққа ҳукм қилишни талаб этди. Ҳозирги вақтда у чет элда яшириниб юрибди.

Темир йўлдаги диверсия — «қоракўйлаклилар» фитнасининг бир қисмидир.

● ЛОНДОН. Уз сафларида қариб 1,4 миллион кишини бирлаштириб турган машинасозлик саноати ходимларининг бирлашган касаба союзи Англия саноатининг бир қанча тармоқлари ва молия ташкилотларини национализация қилишни талаб қилиб чиқди.

● ГАВАНА. Куба билан Аргентина ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар кенгайиб бормоқда. Куба пойтахтида Камагуэй шаҳри яқинида йирик гўшт комбинати қуриш тўғрисида тузилган битим имзоланди. Битим шартларига кўра Аргентинанинг «Сей инженерия» фирмаси комбинатни қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлайди, унга машина-ускуналар етказиб беради ҳамда объектни монтаж қилиш ва ишга туширишда кўмаклашади.

● НЬЮ-ЙОРК. Хавфсизлик Кенгаши Гренадани Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо этиб қабул қилишни БМТ Бош Ассамблеясига бир овоздан тавсия этди. Кенгаш қарори БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги XXIX сессиясида кўриб чиқилади.

● ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикаси ёш математикларидан бир группаси халқаро математика олимпиадасида биринчи марта иштирок этади. Бу олимпиада июль ойининг бошларида Германия Демократик Республикасида ўтказилади. (ТАСС).

Пойтахтимиз меҳмонлари

ИЖОДИЙ ИМТИҲОН

БУГУН ТОШКЕНТДА УШ ОБЛАСТЬ МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ БОШЛАНАДИ

◆ ◆

Бу йил Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари ўзларининг олтин тўйларини нишонлайдилар. Ана шу қутлуғ сана муносабати билан иккала қардош республика театрларининг ижодий коллективлари дўстлик саф ерларига отландилар. Муқимий номли ўзбек Давлат музикали драма театри ўз гастролларини Қирғизистон ССР-нинг Ош шаҳридан бошлади.

Уз навбатида С. М. Киров номли Ош область ўзбек музикали драма театрининг санъаткорлари Тошкент шаҳрига ташриф буюрдилар.

Ош ўзбек музикали драма театри ташкил этилганига эллик йилдан ошди. Улуғ Октябрнинг алангали йилларидаёқ ушбу театрга асос солинган бўлиб, дастлабки актёрлар комсомоллар, қизил гвардиячилар, жамоатчи активлар бўлган.

Театрнинг ижодий коллективи босиб ўтилган ярим асрдан ортиқроқ давр мобайнида ўзбек ва қирғиз халқи ҳаётини, уларнинг дўстлигини акс эттириш замондошларнинг ҳақиқий образларини гавдалантириш юзасидан баракали меҳнат қилди. Коллектив ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлди, совет воқелигининг ҳамма томонларини саҳнада акс эттиришга интилди. Қирғиз драматурги К. Жонтошевнинг «Тоғ бургути», Б. Жақиевнинг «Отанинг тақдири», Чингиз Айтматовнинг «Момо ер», М. Тўйбоевнинг «Янги келин» асарлари бунга мисол бўла олади.

Айниқса, М. Шатров қаламига мансуб «Революция номи билан» асарининг саҳналаштирилиши Уш театри тарихида муҳим босқичдир. Спектаклда Ленин образини Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳошимжон Ҳасанов, Дзержинский образини артист Салоҳиддин Умаров, Фрунзе образини Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Шаробиддин Тўхтасиновлар зўр маҳорат билан яратдилар.

Театр ўз репертуарини йирик полотно асарлар ҳисобига мунтазам бойитиб бормоқда. Кейинги йилларда Гоголнинг «Уйланиш», А. Н. Островскийнинг «Момоқалдирок», Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён», Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Умаржон Исмоновнинг «Рустам» асарлари саҳналаштирилди ва муваффақиятли ўйналмоқда.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига атаб саҳналаштирилган «Қудратли тўлқин» спектакли, айниқса, томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. У Қирғизистонда эълон қилинган юбилей спектакллари конкурсида ғолиб чиқиб, биринчи мукофот ва диплом билан тақдирланди.

Ижодий коллектив сафини маълумотли ва малакали ёш актёрлар билан тўлдириш борасида Узбекистон ССР Маданият министрлиги, А. Н. Островский номли театр ва рассомлик санъати институти катта ёрдам кўрсатмоқда.

Театр коллективининг ҳар бир чиқишини қишлоқ аҳли — пахтакорлар, чорвадорлар, тамакикорлар севиб қарши олишади. Пахта терими, чорва қишлови, тамаки узиб-тизиш мавсумларида театр махсус концерт программаси билан келиб, меҳнаткашларга ором ва эстетик завқ бағишлайди, унумли ижодий меҳнатга илҳомлантиради.

Театрнинг концерт программаси ўзбек, тожик, қирғиз халқларининг замонавий ва классик куйлари, қўшиқлари, миниатюралари, музикали спектакллардан парчалар ва рангба-ранг рақслардан иборат. Репертуаримиздаги энг яхши спектакларимизни тошкентлик талабчан томошабинлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз. Бу биз учун жиддий имтиҳондир.

Атоқли ўзбек совет ёзувчиси Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи асосида саҳналаштирилган музикали драма Улуғ Ватан уруши даврида фронт орқасида қилинган қаҳрамонона меҳнат, армия ва халқнинг бирлиги, совет кишиларининг маънавий ҳамда интернационал дўстлиги ҳақида ҳикоя қилади.

«Соҳибжамол» спектакли эса ўзбек халқи мусиқа хазинасининг дурдонаси бўлган «Шашмақом» мотивлари асосида тайёрланган. Унда пок инсоний севги ва унинг ҳаётбахш кучи, вафо ва садоқат, қаҳрамонлик туйғулари ифодаланади.

Театр саҳнасида қирғиз драматургларининг энг яхши асарлари муваффақият билан ўйналмоқда. Жумладан, атоқли қирғиз ёзувчиси Қосимали Жонтошевнинг «Мўйловли қиз» номли музикали комедиясининг мавзуи қирғиз қишлоғи ҳаётидан олинган. Унда айрим кишилар онгидаги эскилик сарқитларига қарши ёшлар олиб борган тадбиркорона кураш кулгили лавҳалар орқали кўрсатилади.

Драматург Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» драмаси кўпчиликка таниш. Унда Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида ўзбек ҳунармандлари, деҳқонлари орасида пайдо бўлган инқилобий ҳис-туйғу, дастлабки ўзбек революционерларининг шаклланиши кескин драматик тўқнашувлар, музикали лавҳалар орқали ифода этилади.

Гастролдан умидимиз катта. У биринчидан, бизнинг қанчалик ижодий муваффақиятга эришганимизни тошкентлик талабчан томошабинлар кўз олдида намойиш этиш имкониятини яратиб беради, иккинчидан, ўзаро ижодий ҳамкорлигимизни яна ҳам мустаҳкамлайди. Томошаларимизга марҳамат, дўстлар.

А. АБДУҒАФУРОВ,
С. М. Киров номли Уш область Ўзбек музикали драма театрининг директори.

Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига бағишлаб Тошкент область Бўка райони марказига ўрнатилган ёдгорлик пойидан гуллар аримайди. Ёдгорлик олдида чақирилувчиларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимлари, пионер ва комсомолларнинг тантанали йиғинлари ўтказилади. Суратда: шундай йиғин пайти.

Т. Мирзаев фотоси.

ФАКТ ВА ШАРҲ

ЯНГИ ПОЙАФЗАЛЛАР

Кўркам синтетик «Карфам» терисидан тикилган эркакларнинг қора туфлиси кўпгина харидорларнинг диққатини ўзига жалб қилмоқда. Янги пойафзал сифатли бўлишидан ташқари анча арзон — 14 сўм туради. Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида республикада биринчи марта шундай туфлилар кўплаб тайёрлаб чиқариляпти.

Ҳозир фабрика «карфам»дан тиниладиган эркаклар сариғиш туфлисини, шунингдек эркакларнинг «Молния» қўйиб тикиладиган калта қўнжли этикларини, сандалет ва ёзги туфлиларини тайёрлаб чиқаришга тараддуд кўрмоқда.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги кўн-пойафзал саноати бош бошқармасининг бош инженери М. Тошхонов шу хабарни шарҳлайди:

— Соҳа корхоналари шу йил савдога 23,5 миллион жуфт—бултургидан 3,2 миллион жуфт кўп эркаклар, хотин-қизлар ва болалар пойафзали тайёрлаб чиқаради. Янги қувватларни ўзлаштириш ва мавжуд қувватлардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига мана шу ўсишга эришилади.

Республика пойафзалчилари бир йилда 350 хил моделда ёзлик, кузлик ва қишлик пойафзал тайёрлайдилар. Шулардан учдан икки ҳиссаси янги моделлардир. Янгиликлар орасида хотин-қизларнинг «Платформа»даги лак туфлиси, эркакларнинг сирли қора хромдан тикилган туфлиси, болаларнинг ранг-баранг кўркам ботинка ва сандаллари, чидамли «кожвалон» материал ва вельветдан ўқувчиларнинг туфлилари, лак ковушлар ва бошқа пойафзаллар бор. 28 хил пойафзални сифат белгиси безаб туради. Самарқанд фабрикасининг маркаси қўйилган аёллар пойафзалининг яна уч хил модели олий аттестацияга тайёрланмоқда.

Янги материаллар пойафзал хилларини кўпайтиришга ёрдам беради. Республика пойафзалчилари АҚШдан «карфам» олиш билан бирга Японияда янги хил синтетик кўн — «кларинолан» олабошладилар. Ундан Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси ва Қўқон фабрикасида эркаклар ва хотин-қизлар пойафзали тайёрлаш мўлжалланади. ГФР химиклари шу йил «целанлак» синтетик материали юборадилар. Тошкентдаги 2-фабрика ундан хотин-қизларнинг бежирим этикларини тикиб чиқаради.

Республика пойафзалчилари беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларига қўшимча қилиб 5,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация этиш мажбуриятини олдилар. Бу уларнинг Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига меҳнат совғаси бўлади.

(УзТАГ).

АХБОРОТ

ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ СОВХОЗ

Экин майдонларини кенгайтириш, адир ерларни ўзлаштириш ҳисобига Уйчи районидаги Охунбобоев номли колхоз базасида янги хўжалик — Охунбобоев номли совхоз ташкил топди. Совхозда тўртта бўлим бор.

Совхоз коллективи бу йил давлатга 5 минг тонна «оқ олтин», 345 тонна сут, 60 тонна гўшт ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга ахд қилган. Яқин йиллар ичида совхознинг экин майдони 7 минг гектарга етказилади ва яна иккита пахтачилик бўлими тузилади.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ЧЎЛПОН»ГА МАРҲАМАТ

Избоскан районидаги Янги қишлоқда 300 кишига мўлжалланган янги кинотеатр ишга туширилди. «Чўлпон» номи билан аталган бу кинотеатр райондаги Тельман номли колхоз марказида қад кўтарди.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

«БАХТ»НИНГ БАХТИЁРЛАРИ

Қўнғирот район марказида яқинда икки қаватли кўркам бино қад кўтарди. Пахта тозалаш заводи ишчиларининг болалари учун қурилган бу боғча биноси 150 эркатойга мўлжалланган. Боғчага «Бахт» деб ном берилди.

А. АБДУРАИМОВ.

ЗАВҚ ВА АЛАМ

Футбол

Жаҳон чемпионатида ҳал қилувчи давр энди бошланади. Кучлилар саралланган дастлабки босқич поёнига етди. Чемпионат иштирокчилари — 16 команда 4 группага бўлинган ҳолда ўзаро учтадан ўйин ўтказиб бўлди. Бугунгача 24 учрашув ўтказилиб, 2160 минут вақт сарфланди. Дарвозаларга жами 62 та тўп киритилибди. Киритилган ва қўйиб юборилган тўплар нисбати эса, умумий ҳисобда 35-27 бўлиб турибди.

Футбол тасодифларга бой ўйин. Лекин жаҳон чемпионатидек катта мусобақада футбол баҳона шундай воқеалар ҳам юз берадики, қайратдан ёқа ушлайсан, киши. Шоҳидамас баргида дегандек, чемпионат ташкилотчилари қанчалик аҳтиётқорлик чоралари кўриб, ҳушёрлик кўрсатишмасин олғир гангстерлар ўз ишини қилишди. Эс-ҳушини футбол банд этган банк қоровули дорга қолди. Бразилия—Шотландия учрашуви авжига минган бир вақтда кичик Санта-Андре шаҳар банкидан 140000 крузейро ўмариб, қоровулни қуролсизлантиришибди. Бўлмаса, Бразилия гангстерлари билан маҳаллий полиция тинчгина футбол кўришга ўзаро «келишиб» олишганди.

Бу стадионлар ташқарисида юз берётган воқеалардан бири бўлса, баъзи командаларнинг аъзолари орасида ҳам қизиқ гаплар бўляпти. Жумладан, майдон эгалари ГФР командасининг капитани Беккенбауэр ўз устозининг талабчанлигидан норози: «биринчидан, бизни ҳаддан ташқари таъқиб қилиб эркинлик беришмаяпти. Ҳар қаёқдан тергаб турилганидан телбага айланаёзасан киши. Иккинчидан эса, ҳар куни икки марта машқ ўтказишга тўғри келяпти. Бундай ахволда чемпион бўлишга ҳам иштиёқ қолмайди...». Балки капитан ҳақдир. Лекин учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб келаётган мезбонлар ГДР командаси билан группада биринчиликни таъминловчи ўйинда ютқазиб қўйдилар.

ГДР командасининг ўйинчиси Ю. Шпарвассер киритган ягона тўп мазкур учрашув тақдирини ҳал қилди. ГФР командасининг тренери Шён эса асаблашган ҳолда қуйидаги гапларни айтишга мажбур бўлди: «Командамиз ўйинидан мамнун эмасман. ГДРнинг галабаси шарҳлашга муҳтож эмас. Афтидан, биз уларнинг куч ва имкониятларини етарли баҳоламаган эканмиз. Оқибати маълум — енгилдик...».

Австралия, Гаити ва Заир командалари иккинчи турдан кейинок ўйинидан чиқишди. Учинчи тур учрашувлари группа голибларини белгилаб, омади юришмаганлар сафини яна беш команда ҳисобига «бойитди». Бунда маррагача «йиқилмай» келган командаларга айниқса қийин бўлди. Хусусан, Шотландия, Болгария ва Италия командалари кучли саккизликка киришлари мумкин эди. Лекин бу коллективлар сўнгги учрашувларда имкониятларни бой бериб қўйишди. Болгарияликлар икки очко жамгаришган эди-ю, лекин Голландия билан ўйинда 1:4 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

Айниқса шотландияликларнинг мағлубият аламини тортмай, мусобақадан чиқиб кетиши қизиқ бўлди. Уч очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турган бу команда мутахассислар каромат қилганидек ўйиндан чиқди-қўйди. Кучлилар қаторидан жой олиш учун киритилган ва қўйиб юборилган тўплар писбатида (3-1) биргина тўп ортиқчалик қилди. Бунинг устига шу учрашувда бразилияликларга мос бўлиб тушадиган дуранг — 1:1 ҳисобини Югославия футболчилари «таъминлаб» беришди. Жаҳон чемпионлари мусобақани давом эттириш учун имконият берадиган 3:0 ҳисобига эришдилар. Улар Заир командаси билан ўйинда биринчи бор дарвозага тўп киритишди. Италияликларга ҳам осон бўлмади. Уларнинг ҳисобида ҳам 3 та очко бор эди. Лекин тўплар нисбати 4-2 бўлгани ҳолда Польша командасидан 1:2 ҳисобида енгилишди. Бор-йўғи бир очколи аргентиналиклар эса, Гаити командаси устидан 4:1 билан ютуққа эришдилар ва тўплар нисбатига кўра италияликлар ўринни эгаллашди.

Учинчи тур ўйинларидаги қолган учрашувлар қуйидагича тугади: Австралия — Чили — 0:0, Швеция — Уругвай — 3:0.

Шундай қилиб, эртадан голиблик завқини сурганлар — кучли саккизликка кирган командалар жаҳон чемпиони номи учун олтин кубок иштиёқида курашни давом эттирадилар. Саккиз команда икки группани ташкил этди. Биринчи группага ГДР, Бразилия, Голландия, Аргентина, иккинчи группага ГФР, Швеция, Польша ва Югославия коллективлари киритилди. Хуллас кескин ва шиддатли футбол «жанг»лари олдинда.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. 12.00 — МОСКВА. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Мультфильм. 18.50 — Очиқ эшиклар куни. 19.35 — «Ахборот». 19.50 — Ўн минут музика. 20.00 — Мушоира этади давом. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Олтин қўллар. 21.20 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Футбол:** ЦСКА — «Динамо» (Киев). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.25 — МОСКВА. 18.35 — Мультфильм. 18.50 — Спорт кундалиги. 19.20 — Инсон ва қонун. 19.50 — П. И. Чайковский номидаги V халқаро конкурсида. 20.35 — **Биринчи троллейбус** (бадиий фильм). 22.00 — ТОШКЕНТ. **Марҳабо, талантлар.** Андижон бадиий ҳаваскорларининг чиқиши. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.05 — **Мандат** (бадиий фильм). 20.15 — Эстрада концерти. 21.25 — Илмий-оммабоп фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/VI да **Йўқолган узук,** 26/VI да **Бой ила хизматчи.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Уктам суворийнинг саргузаштлари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Масхарабоз Цибулна ва 6 айиқ — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Уктам суворийнинг саргузаштлари — «ХИВА».

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ

1974—1975 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЗКУЛЬТУРА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 33-уй).

Кундузги ва сиртқи ўқишга — жисмоний тарбия ва спорт.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳар, Муқимий кўчаси, 104-уй).

Кундузги, кечки ва сиртқи ўқишга: чет тиллар (инглиз, француз, немис, испан тиллари).

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Андижон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 1-уй).

Кундузги ва сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, чет тиллар (инглиз, немис, француз тиллари).

СССР Олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари «Совет Узбекистони» газетасининг 7 июнь сонида эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ

1974—1975 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АНГРЕН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Комсомольская кўчаси, 1- уй).

Кундузги ўқишга: пайвандлаш технологияси.

Кундузги ва кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши, темир-бетон конструкцияларни ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш.

ФАРҒОНА КЕЧКИ ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНИКУМИ

(Лев Толстой кўчаси, 10- уй).

Кечки ўқишга: чарм буюмлари технологияси, тикувчилик ишлаб чиқариши, трикотаж ишлаб чиқариши, ип-йигирув ишлаб чиқариши, тикувчилик ишлаб чиқариши;

Сиртқи ўқишга: ип-йигирув ишлаб чиқариши.

САМАРҚАНД КЕЧКИ ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

(Огалик кўчаси, 2- уй).

Кечки ва сиртқи ўқишга: минерал ўғитлар ва ноорганик моддалар технологияси металларни қирқиб ишлаш, саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, автомобиль транспорти эксплуатацияси, саноат ва граждан қурилиши, автомобилларни ремонт қилиш ва техник хизмат кўрсатиш.

ҚАТТАҚУРҒОН КЕЧКИ ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

(Лев Толстой кўчаси, 119-уй).

Кечки ўқишга: электр станциялари, тармоқлари ва системалари, саноат ускуналарини ремонт қилиш ва монтаж қилиш, саноат ва граждан қурилиши.

НУКУС ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Калинин кўчаси, 34-уй).

Кундузги ўқишга: пахтани дастлабки ишлаш ускуналари ва технологияси, тикувчилик ишлаб чиқариши, пахта товаршунослиги.

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Қирғули-1 посёлкаси, Колхозная кўчаси, 15-уй).

Кундузги ўқишга: пахтани дастлабки ишлаш ускуналари ва технологияси, пахта товаршунослиги, мебель ишлаб чиқариш, тикувчилик ишлаб чиқариши;

Кечки ўқишга: мебель ишлаб чиқариш;

Сиртқи ўқишга: пахтани дастлабки ишлаш ускуналари ва технологияси, тикувчилик ишлаб чиқариши.

МАРҒИЛОН КЕЧКИ ТУҚИМАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Киров кўчаси, 1- уй).

Кечки ўқишга: пиллакашлик ва ипак эшиш, тўқувчилик ишлаб чиқариши, газмолларни безаш.

АНДИЖОН КЕЧКИ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНИКУМИ

(Навоий проспекти, 28-уй).

Кечки ва сиртқи ўқишга: металларни қирқиб ишлаш, ички ёниш двигателлари.

ФАРҒОНА ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

(Қирғули посёлкаси: «Дружба» кўчаси, 13-уй).

Кундузги ва кечки ўқишга: химиявий толалар технологияси, совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари;

Кундузги: кечки ва сиртқи ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш.

СССР ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари «Совет Узбекистони» газетасининг 13 июнь сонида эълон қилинган.

«ЦЕНТРОСОЮЗ»

В. Б. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ

1974—1975 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРНИНГ I КУРСИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САНОАТ МОЛЛАРИ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТОВАРШУНОСЛИК, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТОВАРШУНОСЛИК, САВДО ИҚТИСОДИ, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТЕХНОЛОГИЯ.

ҲАММА МУТАХАССИСЛИКЛАР ҮЧУН (инженер-технологдан ташқари) **ЎҚИШ МУДДАТИ КУНДУЗГИ БЎЛИМДА 4 ЙИЛ, СИРТҚИ БЎЛИМДА 5 ЙИЛ; ИНЖЕНЕР-ТЕХНОЛОГ МУТАХАССИСЛИГИ ҮЧУН КУНДУЗГИ БЎЛИМДА 5 ЙИЛ, СИРТҚИ БЎЛИМДА 6 ЙИЛ.**

КИРУВЧИЛАР ЎРТА МАКТАБ ҲАЖМИДА ҚУЙИДАГИ ИМТИҲОНЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

Товаршунослик мутахассислиги учун: математика (оғзаки), химия (оғзаки) география (оғзаки),

иқтисод мутахассисликлари учун: математика (оғзаки), география (оғзаки), СССР тарихи (оғзаки);

Инженер-технолог мутахассислиги учун: математика (оғзаки), химия (оғзаки), физика (оғзаки).

БУНДАН ТАШҚАРИ ҲАММА КИРУВЧИЛАР ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН ЁЗМА ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР: кундузги бўлимга 20 июндан 31 июлгача; сиртқи бўлимга 31 августгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: кундузги бўлимда 1 августдан 20 августгача; сиртқи бўлимда бир неча потокда ўтказилади.

ҲУЖЖАТЛАР ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА ЮБОРИЛСИН:

Кундузги бўлимга кирувчилар учун — 703000, Самарқанд шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 41-уй, В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд кооператив институти;

Сиртқи бўлимга кирувчилар учун — 703000, Самарқанд шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 41-уй, В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд кооператив институти;

702152 — Тошкент область, Оржоникидзе район «Институт» алоқа бўлими, В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд кооператив институтининг Тошкент шаҳридаги сиртқи факультети;

744011 — Ашхобод шаҳри, Островский кўчаси, 51-уй, ўқув-консультация пункти;

720040 — Фрунзе шаҳри, Ленин проспекти, 493-уй, ўқув-консультация пункти;

734048 — Душанба шаҳри, Жданов кўчаси, 48/11-уй, ўқув-консультация пункти.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленияси ва СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими таниқли совет ёзувчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги республика мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати

Сергей Петрович БОРОДИННинг

оғир касалликдан сўнг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи институт илмий ходими Ш. Халиловага онаси

Рисолат ЖАББОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Композиторлар союзи правленияси, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда Узбекистон ССР Музика фондининг Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон ССР халқ артисти, композитор К. Жабборовга рафиқаси

Рисолат ЖАББОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи газетанинг Бухоро область мухбири Талабой Назировга қизи

НАЗОКАТнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 10602. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 147.